Боқий фикр

*Тинчлик ва барқарорлик — булар халқаро ҳамжамият билан бирлаштирувчи воситадир.*

Ислом КАРИМОВ

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT · XALQ ZIYOLILARI GAZETASI · معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 11-oktabr, shanba № 82 (8731)

# МДҲНИНГ МИНСК САММИТИ

***Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9-10 октябрь кунлари Минск шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.***

МДҲ саммитининг асосий тадбирлари 10 октябрь куни бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президентлар хавфсизликни таъминлаш, гуманитар соҳадаги алоқаларни кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президенти МДҲ бевосита мулоқотни қўллаб-қувватлаш, долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини берадиган тузилма, аъзо давлатларни барқарор ривожлантириш, уларнинг савдо-иқтисодий салоҳиятини фаол ишга солиш, хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш борасида ўзаро маъқул ёндашувлар, мувофиқлаштирилган амалий чоралар ишлаб чиқишга хизмат қиладиган майдон эканини таъкидлади.

Ислом Каримов саммит қатнашчилари эътиборини Ҳамдўстлик маконида тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш ва уни тезроқ ишга тушириш заруратига қаратиб, бу ўзаро савдо ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш учун имкон қадар кўп шарт-шароит яратишини қайд этди.

Маълумки, МДҲ доирасида муайян йилларни гуманитар мавзу билан номлаш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш анъанага айланган. Саммит қатнашчилари МДҲда 2016 йилни таълим йили, деб эълон қилишга келишиб олдилар.

Хавфсизлик масалалари муҳокама қилинар экан, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишини назорат қилиш, ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка оид ҳужжатларнинг лойиҳалари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида МДҲни янада ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш бўйича асосий чора-тадбирлар режаси ижросининг бориши таҳлил этилди, қатор ташкилий масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳамдўстликка раислик Қозоғистон Республикасига ўтди.

Минскка ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан музокара ўтказди.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада юқори поғонага кўтариш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон-Беларусь муносабатлари дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Икки мамлакатнинг минтақавий ва халқаро масалаларга қарашлари ўхшаш ва яқин. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Беларусь Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий иқтисодий шерикларидан бири сифатида қарайди. Савдо кўлами йил сайин кенгаймоқда. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 193,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Беларусга экспорт қилинадиган пахта толаси, тўқимачилик саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, автомобиллар миқдори муттасил ошмоқда. Беларусдан Ўзбекистонга оғир юк ташувчи автомобиллар ва тракторлар импорт қилинади. Айни пайтда мамлакатларимиз биржалари, савдо-саноат палаталари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида бевосита ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан мулоқотлар давом этмоқда.

Суҳбат чоғида ўзаро муносабатларда савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар устувор эканини, Икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Беларусь ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг фаолиятини кенгайтириш бу соҳадаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Беларусь маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Беларусда ташкил қилинадиган йирик халқаро тадбирларда мунтазам иштирок этиб келади. Ўзбекистон вакиллари "Славянский базар в Витебске" халқаро санъат фестивалида, белоруслар "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**
Тошкент – Минск – Тошкент.

# МЕҲНАТНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ




***Устоз қалбини бежиз дарёга қиёслашмайди. Дарё сувидан гулу чечаклар унгани каби ўқитувчи таратган зиё ҳам юзлаб, минглаб қалбларни чароғон этади.***

Қарши шаҳридаги 8-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Муҳиба Қўшшаева ана шундай қалби дарё педагоглардан. Йигирма икки йиллик фаолияти давомида юзлаб ўқувчиларнинг қўлига қалам тутқазиб, уларни баркамол инсон қилиб вояга етказиш борасидаги меҳнатлари билан тилга тушган.

— Муҳиба Қўшшаева ўқувчиларнинг ўқиш техникаси ва оғзаки нутқини ўстириш, дарсларни ўйин ва мусобақа тарзида ўтказиш борасида катта тажриба тўплаган, — дейди мактаб директорининг ўринбосари Мастура Тўхтаева. — Вилоятдаги бошланғич синф ўқитувчилари учун мунтазам равишда очиқ дарслар ташкил этиб келади.

Тажрибали педагогнинг таълим-тарбия тизимидаги самарали меҳнатлари муносиб эътироф этилиб, шу йил Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида Президентимиз фармонига биноан II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

***2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов журналистларга сайлов округларини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини шакллантириш, сиёсий партияларнинг бўлажак парламент сайловларида иштирок этишига рухсат бериш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берди.***

# БАРЧА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШИГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

Тадбирда айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун бир юз ўттиз беш сайлов округи ташкил этилгани, уларнинг номланиши, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони кўрсатилган рўйхат матбуотда эълон қилингани таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси жорий йил 9 октябрь куни ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

**(Давоми 2-бетда.)**

**Yarmarka doirasida mamlakatimiz dizaynerlari tomonidan jahon moda tendensiyalari va milliy an'analarimizni hisobga olgan holda tayyorlangan rang-barang liboslar namoyishini oʻtkazish rejalashtirilgan.**



# БАРЧА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШИГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси, унинг ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзолардан иборат таркибда тузилиши таъкидланди. Округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлашда уларнинг таркибига жамоатчиликнинг обрўли вакиллари киритилишига алоҳида эътибор қаратилди. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхати комиссиялар манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида маҳаллий ва хорижий журналистларга сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширган ишчи гуруҳи сиёсий партияларни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг имзоларини тўплаш сайлов қонунчилиги талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилгани ҳақида хулосага келгани маълум қилинди. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг сайловда иштирок этишига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди.

**ЎзА**

# «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ЯРМАРКАГА ТАЙЁР

**Жорий йилнинг 13—14 октябрь кунлари пойтахтимизда X Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтади.**

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан анъанавий ўтказиб келинаётган ушбу ярмарка самарасида жаҳон бозорида ўзбек пахта толасига бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Айни пайтда ярмарканинг нуфузи ортиб, кўлами кенгаймоқда. Жумладан, 2005 йилда ўтган дастлабки ярмаркада 30 мамлакатдан қарийб 170 компания вакиллари қатнашган бўлса, ўтган йили 40 давлатдан пахта ва тўқимачилик компанияларининг минг нафардан кўп вакили иштирок этди.

Жорий йилда ярмаркада иштирок этувчилар сафи янада кенгайиши кутилаётир.

Ярмаркани юқори савияда ўтказиш учун барча зарур ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, ишбилармонларнинг ўзаро музокаралар олиб бориши ва шартномалар имзолаши учун барча шароит яратилди.

Пахта ва тўқимачилик тармоғи маҳсулотлари алоҳида павильонларда намойиш этилади. Кўргазма зали марказида турли навдаги пахта толаси ва ғўза уруғи намуналарини намойиш қилиш учун махсус стендлар ўрнатилган. Намойиш этиладиган тола намуналари “Сифат” Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази сертификатига эга. Марказнинг барча ҳудудий лабораторияларида HVI замонавий тизимидан фойдаланилаётгани пахта толасининг юқори сифатини таъминлаётир.

Тўқимачилик маҳсулотлари павильонида “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компаниясининг етакчи корхоналари ва хусусий тадбиркорларнинг экспортбоп маҳсулотлари билан танишиш мумкин бўлади.

Ярмарка доирасида мамлакатимиз дизайнерлари томонидан жаҳон мода тенденциялари ва миллий анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган ранг-баранг либослар намойишини ўтказиш режалаштирилган.

Халқаро шартнома тузиш ва тақдимот ўтказиш учун замонавий талаб ва стандартларга мос жиҳозланган конференция зали иштирокчилар ихтиёрида бўлади.

X Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мазкур соҳаларда сўнгги ютуқлар билан танишиш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозорларда рақобатбардошлигини ошириш ва мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири**

*8-dekabr — Oʻzbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni*

# ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

***Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.***

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 41-моддасидан.**

**Мамлакатимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида фарзандларимизни билимли, салоҳиятли, жисмонан ва маънан етук инсонлар этиб тарбиялашнинг яхлит механизми шакллантирилди.**

Таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида бунёд этилаётган замонавий ўқув масканларида ёшларнинг чуқур билим олиши, касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаши учун барча шароит яратилган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги С.Сирожиддинов номидаги академик лицей ҳам иқтидорли ёшлар тарбияланаётган даргоҳлардан биридир. Лицейда турли йўналишлар бўйича 1345 йигит-қиз таҳсил олади.

500 ўринга мўлжалланган тураржой, иккита кичик спорт зали, футбол, волейбол ва баскетбол майдонлари, 17 мингдан ортиқ китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, фан лабораториялари ёшлар ихтиёрида. Лицейнинг “Инглиз ороли” номли янги биноси хорижий тилни пухта ўзлаштириш учун ўқув ва компьютер жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган.

Билим масканида фан, спорт ва касбга йўналтирувчи тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Шу билан бирга, бу ерда фан олимпиадалари ғолибларидан тузилган “Олимпиада гуруҳлари” билан алоҳида машғулотлар олиб борилади.

Лицей ўқувчилари халқаро ва мамлакат миқёсидаги фан олимпиадаларида мунтазам иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. 2012 йили 46-халқаро Менделеев олимпиадасида Равшан Олмосов кумуш медални қўлга киритган бўлса, Азиза Холиқова бронза, Зебинисо Сафарова рағбатлантирувчи диплом билан тақдирланди. 2013 йили 47-халқаро Менделеев олимпиадасида лицей ўқувчиси Билолиддин Шаробиддинов олтин медаль билан тақдирланди. Жорий йилда математика бўйича халқаро олимпиадада Ҳакимбой Эгамбердиев биринчи ўринни эгаллади, уч нафар ўқувчи фан олимпиадасининг мамлакат босқичида ғолиб бўлди.

— Фан олимпиадасида юқори натижага эришишимда устозларимнинг хизмати катта, — дейди республика фан олимпиадаси ғолиби Севара Назирова. — Келгусида халқаро олимпиадаларда ҳам ғолиб бўлиб, мамлакатимиз обрўсини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш ниятидамиз.

Лицей ўқувчилари нафақат интеллектуал беллашувларда, балки турли спорт мусобақаларида ҳам муваффақият қозониб келмоқда. 2014 йилнинг март ойида Таиландда ўтказилган муайтай бўйича жаҳон чемпионатида Турсуной Раҳимованинг кумуш медални қўлга киритгани бунинг далилидир.

— Таълим масканимизда ўз билим ва салоҳиятига ишонган иқтидорли ўқувчилар жуда кўп, — дейди математика фани ўқитувчиси Умид Раҳмонов. — Уларнинг келажакда етук мутахассис бўлиб шаклланиши учун лицейимизда барча шароит ва имконият мужассам.

**Нурулло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**



*2014-yil — Sogʻlom bola yili*

# БЕҒУБОР ОЛАМ ЭГАЛАРИ

**Навоий шаҳридаги 26-мактабгача таълим муассасасида 450 нафарга яқин кичкинтой замонавий шароитларда тарбияланмоқда.**

Инглиз тили, логопед, психолог, жисмоний тарбия ва мусиқа мутахассисларидан иборат жамоа “Болажон” таянч дастурини амалиётга изчил татбиқ этмоқда. Ўқув дарслари, жумладан, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида инглиз тилини ўрганиш ўйин тарзида ташкил этилаётгани болажонларнинг қизиқишини кучайтириб, машғулотлар самарадорлигини оширмоқда.

**ЎзА фотомухбири**
**Сирож АСЛОНОВ олган суратлар.**



*Президентимизнинг 2014 йил 24 мартдаги “Тошкент шаҳридаги Инха университетини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мазкур олий таълим муассасаси жорий йилнинг октябрь ойида ўз фаолиятини бошлади. Мана шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Жанубий Кореянинг Инха университети раҳбарияти, талабалар, ота-оналар иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар қисқа муддат ичида халқаро талабларга жавоб берувчи муҳташам, замонавий, кўркам ўқув биносининг барпо этилганини чуқур ҳаяжон ва алоҳида мамнуният билан эътироф этишди. Университет президенти Пак Чун Бе Ўзбекистон ҳукумати дунёнинг номдор олий ўқув юртлари орасидан Жанубий Кореянинг Инха университетини ҳамкорлик учун танлагани юксак шараф ва масъулият эканлигини таъкидлади.*

Qaror va ijro

# «МУСТАҚИЛ ЮРТ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШАМИЗ»

## Янги университет талабалари ана шундай аҳд билан таълим олишни бошладилар

Тантанали очилиш маросимидан сўнг иштирокчилар университетнинг замонавий ўқув-лаборатория, ўқув аудитория, ахборот-ресурс маркази билан таништирилди ва машғулотлар бошлаб юборилди. Илк дарслар олдидан ўқув жараёнида кредитлар йиғиб борилиши кераклиги, талабалар қайси фандан қанча кредит йиғиши мумкинлиги, бу ҳам баҳолашнинг бир тури эканлиги ҳақида университет раҳбарияти батафсил тушунчалар берди.



— Тошкент шаҳридаги Инха университетида халқаро талабларга жавоб берувчи, жаҳон андозаларига мос ўқув тизими, ўқув дастури ва ўқув режаси жорий этилди, — дейди университетнинг халқаро алоқалар ва илмий ишлар бўйича проректори Ву Сог Чо. — Университетда ўқиш жараёни кредит тизимига кўра олиб борилади. Ҳар бир фанни ўзлаштирган талабага кредит берилади. Талабаларнинг фанни ўзлаштиришидаги баллар A, B, C, D билан белгиланади. Айтайлик, A+ 4,5, A 4, B+ 3,5, B 3 балл дейиш мумкин. Шунингдек, талаба F олса, йиқилган ҳисобланади. Кейинги йили шу фанни қайтадан ўқишга мажбур бўлади. Ҳар ўқув йили 2та — баҳор ва кузги семестрдан иборат. 4 йил мобайнида 8та семестр давомида дарслар олиб борилади. Ҳар бир семестр сўнгида талабаларнинг барча фанлар бўйича умумий ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи аниқланади. Шунингдек, Жанубий Кореянинг Инха университетида “Ёзги таълим” ҳам ташкил этиладики, қўшимча фанларни ўзлаштириб кредит жамғарса бўлади. Бу ихтиёрий бўлиб, ҳатто бошқа олий таълим муассасалари талабалари ҳам бу каби курсларда ўқиши мумкин.

Ўқув дастуримизнинг яна бир ўзига хослиги талаба ўз дарс жадвалини ўзи туза олади. Шунингдек, белгиланган кредитларни тўплаган талабалар университетни 7та семестр, тўғрироғи, уч ярим йилда тамомлаш имконига эга бўлади. Келгусида талабаларнинг 3-курсдан бошлаб илмий иш олиб боришини таъминлаш, шунингдек, битирувчи курс талабаларга битирув иши сифатида лойиҳаларни бажариш топшириғини беришни режалаштираяпмиз.

Маълумки, Жанубий Кореянинг Инха университети Кореядаги инжиниринг соҳаси энг пешқадам университетлар бешталигига киради ва жаҳон миқёсида ҳам илғор университетлар қаторидан жой олган. Биз мана шу университетнинг тажрибасини Ўзбекистонда жорий этаяпмиз. Ишонамизки, Тошкент шаҳридаги Инха университети ҳам Ўзбекистондаги, шу билан бирга, Марказий Осиёдаги энг етакчи олий таълим муассасаларидан бири бўлади.

Университетнинг ўқув режаси билан танишар эканмиз, ундан академик инглиз тили, ахборот технологияларига кириш, ижодий техник дизайн, «Java»да дастурлаштириш, операцион тизим, маълумотлар базаси, электромагнетизм каби фанлар жой олганидан воқиф бўлдик. Юқорида таъкидланганидек, ҳар бир ўзлаштирилган фан учун кредит берилади. Масалан, коммуникация тизимлари ва дизайн фани ўзлаштирилганда 4 кредит, интернет муҳандислиги учун 3 кредит, физика тажриба машғулотларида 1 кредит қўлга киритиш мумкин. Кредитлар фаннинг мураккаблигига кўра белгиланган. Ҳар бир талаба 4-курсни тугатгунича 130дан ортиқ кредит тўплаши лозим. Шундагина бакалавр дипломига эга бўлади.

— Университетимизда талабаларга компьютер муҳандислиги ва ахборот-алоқа муҳандислиги йўналишларида таълим берилмоқда, — дейди университетнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори Нурилла Маҳаматов. — Айни кунда юздан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Шундан кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 10 нафар талаба грант асосида ўқимоқда. Яна шуни қайд этиш зарурки, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан бир қаторда «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙТ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда «Ўзбектелеком» АК университет таъсисчилари ҳисобланади. Улар университет фаолиятини самарали ташкил этишда ҳам фаоллик кўрсатишаяпти.

Яна бир эътиборли жиҳат, янги университет янги моддий-техник база ва янги дарсликлар билан тўлиқ таъминланди.

— Ўқишнинг илк кунлариданоқ ўтилаётган фанларимизнинг барчаси бўйича инглиз тилидаги, хорижнинг етакчи олий таълим муассасаларида қўлланилаётган дарсликларга эга бўлдик, — дейди компьютер муҳандислиги йўналиши талабаси Аҳмаджон Абдуллажонов. — Ҳозирча инглиз тили, математика, физика, шунингдек, C++ дастурлаштириш фанларини ўтаяпмиз. Амалий кўникмалар эгаллашимизга катта эътибор қаратилаётир. Чунончи, ўқишнинг биринчи кунлариданоқ физикадан лаборатория машғулотларини ўтказишга улгурдик. Интернетда ins.inha.uz сайтида биз учун алоҳида бўлим очилган бўлиб, ҳар бир талаба ўз ID карта номери ва махсус пароли орқали кириши мумкин бўлган саҳифасига эга. Бу саҳифага профессор-ўқитувчилар маърузалари жойлаштирилади. Саҳифадан ўқув дастури, дарс жадвали, дарс ўтувчи аудитория рақами, бизга юкланган вазифалар ҳам жой олган. Уйга вазифаларни ҳам интернет орқали ўқитувчиларимиз текшириб беришади. Яна кўплаб бу каби қулайликларни келтириш мумкин. Инглиз тилидаги дарсларни тушуниш ҳеч қандай муаммо эмас. Шу ўринда БухДУ қошидаги 3-Қоракўл академик лицейида устозларим Ҳазрат Раимов, Икром Халилов берган сабоқлар мутахассислик билимларини ўзлаштиришимда асқотаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.



Университетда айни пайтда Жанубий Кореянинг Инха университетидан жалб этилган профессор-ўқитувчилар дарс беришмоқда. Замонавий билимларга эга, салоҳиятли ёш илмий-педагог кадрлар эса уларга ассистентлик қилмоқда. Барча қулайликларга эга аудиторияда ЎзФА Ядро-физика институтининг катта илмий ходим-изланувчиси Рустам Тошхўжаев ёш ўқитувчи сифатида илк дарсини ўтди.

— Физика фанидан маърузаларни профессор Людовик Ахно ўтмоқда, — дейди у. — Фундаментал фанлар бўйича билимлар фарқланмайди. Аммо дарсларни ўтиш услубида ўзгачаликлар бор. Ҳар бир талабага индивидуал ёндашилмоқда. Бундан ташқари, бир гуруҳда 30 талаба бўлса, барчаси лаборатория машғулотларини бир вақтда бажаришади. Бунинг учун лаборатория жиҳозлари, керакли қурилмалар етарли. Талабалар жуда фаол. Бирор нарсани тушунишмаса, шу заҳотиёқ саволлар беришади. Дарс 50 минут давом этади. 10 минутлик танаффусдан кейин навбатдаги дарс бошланади.

Олий таълим муассасасига кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган зукко ва билимдон ёшлар халқаро андозалар асосида билим олишни бошлаб юборишди. Улрани суҳбатга чорласангиз, ҳар бири ўзига хос фахр ва ифтихор ҳиссини туяётганини мамнуният билан таъкидлайди.

— Бизга ука-сингилларимиз ҳавас билан қараяпти, — дейди талабалардан бири Абдурасул Абдуғаффаров. — Сабаби, дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларидан бири саналган Инха университетида жонажон Ўзбекистонимизда туриб ўқияпмиз. Биз ёшлар учун Президентимиз томонидан хорижга чиқмасдан шундай нуфузли олий ўқув юртида таълим олиш имконияти яратилгани келажакда ахборот технологиялари соҳасининг етук мутахассиси бўлишимизни таъминлайди. Айтиш жоизки, бу йўналишда ўқиш истагида бўлган талабгорлар кўп эди. Абитуриентлар орасидан саралаиб мана шу университетга қабул қилинишимда Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицейда яратилган шарт-шароитлар, бизга чуқур билим берган устоз-мураббийларимнинг ҳиссаси катта. Талабаликни устозларимнинг менга билдирган катта ишончи деб биламан. Келгусида мана шу ишончни оқлаб, юртимизда компьютер технологияларининг, дастурий маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини ташкил этиш йўлида изланишлар олиб боришни, фидойилик билан фаолият юритишни, мустақил юрт равнақига ҳисса қўшишни ният қилганмиз.

**Санобар ЖУМАНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

**В.ГРАНКИН**
**олган суратлар.**

## Yangiliklarda yurt nafasi



**Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг “Оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини ёритишда оммавий ахборот воситалари салоҳиятини ошириш” лойиҳаси доирасида давра суҳбати ўтказилди.**

“Оналик ва болалик муҳофазаси — давлат сиёсати” мавзусида ўтган тадбирда соғлиқни сақлаш, халқ таълими бошқармалари масъул ходимлари, мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси юзасидан Самарқанд вилоятининг барча туман ва шаҳарларида намунавий мактабгача таълим муассасалари ташкил этилмоқда. Жумладан, Жомбой, Нарпай ва Оқдарё туманларида биттадан мактабгача таълим муассасаси капитал реконструкция қилиниб, тўлиқ жиҳозланди. Вилоятдаги 556 мактабгача таълим муассасасига 540 жамланма ўқув жиҳозлари етказиб берилди. Мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болалар учун мазкур масканлар қошида қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этилиб, уларга тўқсон минг бола жалб қилинди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди томонидан жойларда саломатлик ҳафталиклари ташкил этилиб, фертиль ёшидаги аёллар, ёш оналар ва болалар, ўсмир қизлар тиббий кўрикдан ўтказилди.

**Гулистонда меҳнат ҳуқуқлари муҳофазасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Айни пайтда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг бир минг икки юздан ортиқ бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили улар томонидан меҳнат муҳофазасига оид кўплаб тадбирлар ўтказилиб, жойлардаги корхона ва идораларда фаол меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантиришга 2 миллиард 230 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Жорий йилда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган 12 минг нафарга яқин йигит-қизнинг уч томонлама шартнома асосида ишга киришини таъминлаш, корхоналарда амалиёт ўтаган ва ишга жойлашган ёшларга касаба уюшма маблағлари ҳисобидан моддий кўмак бериш чоралари кўрилган.

Сирдарё вилояти ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда корхона ва ташкилотлар томонидан меҳнат кодекси, Халқаро меҳнат ташкилотининг мамлакатимизда ратификация қилинган конвенциялари ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган нормаларга риоя қилинишига доир масалалар кўриб чиқилди, ўзаро фикр алмашилди.

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, жорий йил декабрь ойида ўтказиладиган сайловларда фаол иштирокини таъминлаш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

“Қонунчилик ва ёшлар” мавзусида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳуқуқшунослар, ўқувчи ёшлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида демократик ҳуқуқий жамият барпо этиш жараёнида ёшларнинг фаоллигини ошириш, дунёқараши кенг, замонавий илм-фан сирларини пухта ўзлаштирган ва мустақил фикрлайдиган ёшлар ҳисобига кадрлар захирасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, сиёсий билими ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Нукус Олимпия захиралари коллежи ўқитувчиси Турсуной Қалжонова. — Бундай учрашувлар эса ёшларда ватанпарварлик ва эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтиришга хизмат қилади.

**«Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалининг Самарқанд шаҳар босқичи бўлиб ўтди.**

Ёш авлоднинг санъат ва адабиётга қизиқишини ошириш, иқтидорли ёшларни кашф этиш ва кўллаб-қувватлаш мақсадида Самарқанд шаҳар маданият ва спорт ишлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 500 нафардан ортиқ истеъдодли болалар қатнашди.

— Танловда иштирокчилар мумтоз мусиқа, вокал, миллий чолғу, рақс ижрочилиги, тасвирий ва амалий санъат, шеърият йўналишларида ўз истеъдодларини намойиш этди, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Анвар Ҳамроев. — Уларнинг чиқишлари ва ижодий ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Шунингдек, қатнашчилар учун тажрибали мутахассислар маҳорат машғулотлари ўтди.

Танлов якунида барча йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланиб, улар мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**ЎзА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.**

# Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самаралари

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлашга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Унда Миробод туманининг ишлаб чиқариш салоҳияти, инвестиция имкониятлари, ҳудудда куз-қиш мавсумига тайёргарлик, янги иш ўринлари яратиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари хусусида сўз юритилди.

Миробод тумани ҳокими Ш.Қодиров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, жамиятда ижтимоий барқарорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Ушбу мезонлар иқтисодий-ижтимоий соҳаларда ўсиш суръатини таъминлаш, ар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш, ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурларида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш, ибратли анъана ва қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Туманда ўндан ортиқ йирик саноат, 520 қўшма, 3600 дан зиёд кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, хорижий сармояларни жалб этиш борасидаги изчил чора-тадбирлар натижасида туманда саноат маҳсулотлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, экспорт кўрсаткичи динамикаси муттасил ортиб бормоқда. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича яратилаётган кенг имтиёзлар самарасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш-пудрат ишлари, пуллик хизматлар, савдо айланмасида кичик бизнеснинг улуши кўпаймоқда.

Туманда куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида 39 маҳалладаги кўп қаватли турар-жой бинолари жорий ва капитал таъмирланди.

Туманда аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2014 йилнинг ўтган даври мобайнида 6852 янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган бўлса, амалда қарийб 7300 иш жойи ташкил этилди. Бунда янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш ва қувватларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар яратиш, касаначиликни ривожлантириш каби омиллар устувор ўрин эгаллайди.

Ҳудуддаги 7 касб-ҳунар коллежи иқтисодиёт, тиббиёт, автотранспорт, темир йўл, енгил саноат, педагогика каби йўналишларга ихтисослашган бўлиб, жорий ўқув йилида ушбу ўқув масканларини 2129 йигит-қиз битирди. Улардан 1269 нафарининг бандлиги таъминланди. Қолганларини ишга жойлаштириш бўйича ишлар давом этмоқда. Коллежларда ўқувчиларнинг давоматини, ўзлаштиришини доимий таҳлил этиб боришда хотин-қизлар қўмитаси, педагоглар, маҳалла фаолларининг ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилган. Бунда оилалар, ота-оналар билан тушунтириш ишлари олиб бориш, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ва оқилона ўтказишида уларнинг масъулияти ва жавобгарлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# Янги эко-сайтлар тақдимоти

**www.tabiatnoma.uz, www.chemicalnews.uz ва www.greenergy.uz. Булар — Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда “Chinor ENK” экологик ноширлик компанияси томонидан ташкил қилинган “Экологик ташаббус ва ресурслар — атроф-муҳит муҳофазаси йўлида” мавзусидаги матбуот анжуманида тақдимоти бўлиб ўтган янги эко-сайтлар.**

www.tabiatnoma.uz сайти ёшларда экологик саводхонлик, жонажон ўлкамиз табиати, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси тўғрисидаги билимларни оширишга хизмат қилади. Кейинги икки сайтда эса кимёвий воситаларни бошқаришда аҳолининг экологик ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, хавфсизликни таъминлаш, қулдалик ҳаётда кимёвий хавфсизлик ва муқобил энергия манбаларини ривожлантириш каби масалалар ёритиб борилади.

— Экология ҳақидаги маълумотлар ўзбек тилида кам. Ёшлар турли чет эл сайтларига мурожаат қилаётгани, она тилимиздаги интернет ресурслари камлигини эътиборга олиб, ушбу www.tabiatnoma.uz сайти яратилди, — дейди “Chinor ENK” экологик ноширлик компанияси бош муҳаррири Н. Абдуллаева. — Сайт ёрдамида болалар она табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни, экологик маданият, табиатда кечаётган воқеа-ҳодисалар ва экотизимнинг ривожланиш жараёнини ўрганади.

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
**“Ma’rifat” мухбири**

# Куз фаслида гавжум боғ

**Қарши шаҳридаги маданият ва истироҳат боғлари реконструкциядан сўнг қайта чирой очди. Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида қарийб 2 миллиард 115 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, янги аттракционлар ўрнатилди. Қайта чирой очган боғда 15та янги аттракцион, ўйин қурилмалари, 500 дона тунги ёриткич ўрнатилди. Музқаймоқ ва яхна ичимлик дўкони иш бошлади.**

Эски шаҳар яқинидаги болалар маданият ва истироҳат боғида олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишларига 620 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Ўлкамизда куз. Дарахтларнинг яшил либоси сариқ-қизил рангга кирмоқда. Қарши шаҳридаги маданият ва истироҳат боғларида айланиб юрган юртдошларимиз олтин фасл таровативни юракдан ҳис қилаётган бўлса, ажаб эмас.

**Ўктам МЕЙЛИЕВ,**
**«Ma’rifat» мухбири**

# Қизиқарли чет тили дарслари

Юнусобод туманидаги 235-умумий ўрта таълим мактабида инглиз тилига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Дастлаб иштирокчилар шу куни дарс жадвалига инглиз тили фани қўйилган ҳар бир синфга кириб, дарсларни кузатишди, инглиз тили тўгараги фаолияти билан танишди.






М.Ҳайдарова, Ф.Турдиалиева, М.Неъматова, М.Маҳаматова, Н.Қодирова, М.Раҳматова каби устозлар томонидан «Happy family», «Magic world», «Let’s make friends» мавзуларида моҳирлик билан ўтилган дарслар янги педагогик технологияларга асосланди. Турли синфларда олиб борилган очиқ дарсларда ўқувчилар ўзларининг фанга қизиқиши, мавзуга ижодий ёндашиши, тиришқоқлиги ва фаоллиги билан кузатувчиларда яхши таассурот қолдирди.

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**
**олган суратлар.**

Reportaj

*Ҳар биримизга шундай хотиралар таниш бўлса керак: кеч тушганда ота-онамизнинг эртак айтиб беришини кути-и-иб ухламаймиз. Уй ишлари, телевизордаги кўрсатувлар эртароқ тугасайди. Улар келиб бизга эртакми, ҳикоями, маталми айтиб беришса, ўша воқеалар тасаввури билан ухлаб қоламиз. Ҳатто эртак қаҳрамонлари тушимизга кириб чиқади... Болаликнинг бу лавҳалари ҳалигача кўз олдимиздан ўтади. Ўша дамларга хаёлан қайтсак, шубҳасиз, қалбимизда ҳеч нарсага менгзаб бўлмайдиган ўчмас ҳислар жонланади. Бугун ўзимиз ота-она бўлдик. Фарзандларимиз ҳам биздан эътибор, меҳр кутади. Ҳар куни биргаликда дарс тайёрлашимизни, уйга вазифаларни бажаришига ёрдам беришимизни чин дилдан хоҳлайди. Ажабмаски, бугун биз оила даврасида боламизга ўргатган кичик маълумотларимиз улар хотирасида бир умрга муҳрланиб, келажакда илмнинг катта йўлини эгаллашига, оламшумул ихтиролар қилишига дебоча бўлса!*




# МЕН, ОТАМ, ОНАМ

## *чет тилларини бирга ўрганамиз*

Боланинг хоҳишлари шунчаки бўлмайди. Нималарни орзу қилаётганини бир таҳлил қилиб кўрсангиз, у ўзининг эҳтиёжларини орзуларига сиғдиришга интилаётганини кузатасиз. Демак, эндигина мактабга қадам қўйган ўқувчининг инглиз тилини қизиқиб ўрганаётгани, мактабда ўрганганларини ота-онаси билан ўртоқлашишга интилаётгани шунчаки ҳодиса эмас. У ўқишга, ўрганишга, янги билим олишга чанқоқ. Фақатгина уни ўраб турган муҳитда бу талабга муносиб жавоб бўлса, ижобий баҳоланса, бас. Бу табиий жараённи вақтида ва тўғри англаб етган бир қатор ҳамкор ташкилотлар хайрли ишни бошлади. Олдин хабар қилинганидек, Халқ таълим вазирлиги, Британия кенгашининг юртимиздаги ваколатхонаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида юртимизнинг барча ҳудудларида «Инглиз тилини ота-оналар билан ўрганамиз» интерфаол акцияси ўтказилаётир. Шундай тадбирлардан бири Сергели туманидаги 6-ИДУМда бўлиб ўтди.




Ташкилотчилар акциянинг моҳияти ҳақида тўхталар экан, Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар бошқармаси бошлиғи Абдураҳим Носиров шундай деди:

— Ўтган йилдан инглиз тилини ўргана бошлаган 1-синф ўқувчилари бу йил 2-синфда билимларини янада мустаҳкамламоқда. Улар учун 500 мингдан зиёд «Kids' English 2» дарслиги, иш дафтари, ўқитувчи китоби нашрдан чиқарилди ҳамда илова тарзида мультимедиали дисклар яратилди. Мактаблардаги 1722та чет тили хоналари ўқитиш воситалари билан тўлиқ таъминланди. Болаларимизга биринчи синфдан чет тилларни ўргатиш учун зарурий шарт-шароитлар яратилаяпти. Бу жараёнда ота-оналар кўмаги занжирнинг асосий ҳалқаси ҳисобланади. Сабаби, бола мактабда ўрганганларини уйда такрорлаб, мустаҳкамламас экан, амалиётда қўлламас экан, тилни ўзлаштиришга қийналади.

Бугунгидек ота-оналар иштирокидаги дарслар 2-синфларда ўтказилишининг ўзига хос сабаби бор. 2-синфга кўчган болаларимиз ҳозир уч — она тили, инглиз ва рус тилларининг алифбосини, орфографиясини ва грамматикасини ўрганаяпти. Болага шу мураккаб даврда ҳар томонлама ёрдам берилмаса, юкламалар таъсирида ўқишга қизиқиши сўниб қолиши мумкин.

Айтиш керакки, ўтган йили мактабга қадам қўйган ўқувчилар инглиз тилидаги 150дан ортиқ сўз бойлиги билан 2-синфда ўқишни бошлади. Уларда хорижий тилда суҳбат қуриш, истакларини баён қилиш малакалари шакллантирилди. Демак, ота-оналар ўқитувчи билан мунтазам ҳамкорлик ўрнатиб, тақдим этилган қўлланмалардан самарали фойдаланиб, фарзанди билан мунтазам шуғулланишни йўлга қўйса, мақсадга мувофиқ бўлади. Натижада 2013-2014 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинган ўқувчилар 9-синфни тугатаётганида 1500дан, ихтисослаштирилган мактабда эса 2000дан зиёд хорижий тилдаги луғат бойлигига эга бўлади. Яъни, ушбу авлод келажакда чет тилида бемалол мулоқотга кириша олади, хорижий мамлакатларга таржимонсиз бориши, чет тилидаги хоҳлаган билимларини эгаллаши мумкин бўлади.

Британия кенгашининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Марк Кросси ота-оналарга қарата шундай деди:

— Айни дамда қаршингизда педагог ёки раҳбар сифатида эмас, балки боласининг ўқишига бефарқ бўлмаган ота сифатида турибман. Чунки ўзим ҳам икки фарзандимнинг билим олишини доимо кузатаман. Сизларнинг акцияда фаол иштирок этишингиз фарзандларингиз келажаги ҳақида қайғураётганингизни, уларнинг билим олишида бевосита иштирок этишни чин дилдан исташингизни кўрсатади.

Фарзанди 2-синфда ўқиётган ота-оналар дарсга кирар экан, ўтилажак машғулотдан кўплаб янгиликлар кутаётгани кўриниб турарди. Ҳамкорлик дарслари бошлангач, ота-оналар ҳам, болалар ҳам қизиқувчанлиги, янги билимларни ўрганишга чанқоқлигини намойиш этишди. Шу жойда болаларнинг ўзига хос руҳий оламига тўхталиб ўтиш ўринли. Улар ота-оналари олдида янада фаолроқ бўлишга, билганларини кўпроқ амалиётда қўллашга уринишарди. Демак, уйда ҳам ота-она болага дарс тайёрлаттирса, «Билмайман», «Ўрганишга қийналдим», «Эсимдан чиқибди», «Ёдлолмадим» деган важ-корсонлар ўз-ўзидан йўқолади.




«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2012» республика кўрик-танлови ғолиби, 6-ИДУМнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Дилфуза Қодированинг дарсида ўқувчилар ота-оналари билан бирга куйлади, таълимий ўйинлар ўйнади. Ҳеч ким четдан томошабин бўлмади, аксинча, ота-оналар ҳам болалари каби интилувчан эди. Жон-жаҳди билан фарзандига ёрдам бергиси келарди. Дарс сўнгида ўқитувчи ота-оналарга иштироки учун раҳмат айтиб, шундай деди:

— Бугун ўқувчиларимни таниёлмай қолдим. Чунки улар дарсда ҳар қачонгидан ҳам ҳаракатчан бўлишди. Улар сизларга билимдонликларини намойиш қилишга уринди. Бундай узлуксиз ҳамкорлигимиз туфайли фарзандларингизнинг болалик дамлари мароқли ўтишига, инглиз тилини мукаммал ўрганишига катта ҳисса қўшган бўласизлар.

Дарсда фаол иштирок этган Диёрбек Бобожоновнинг онаси Насиба Раҳмованинг таассуротлари билан қизиқдик.

— Болаларимизга уйда инглиз тилини ўргатишимиз учун қўлланма берилган. Манбадан самарали фойдалансак, уларга кўпгина маълумотларни ўргатишимиз мумкин. Биз оналар ҳам фарзандларимизга дарсларни тайёрлашда кўмаклашиб, тил ўрганиб олаяпмиз, — дейди ўғли билан инглизча суҳбатлашаётган она. — Бугунги дарсда китоб билан қандай ишлаш, ўйинларни қай тарзда ташкиллаштириш, болани қизиқтиришда қайси жиҳатларга урғу бериш кераклигини ўрганиб олдим. Ҳамкорликдаги дарслар фақатгина фарзандларимиз муваффақияти учун хизмат қилади.

Ҳақиқатан ҳам, болаларнинг ота-оналари билан ўтказган дамлари энг эсда қоларли ва мароқли бўлади. Айниқса, бу иштирок таълим жараёнида — боланинг билим олишида намоён бўлса, ўқувчилар келгусида дунёдаги энг яхши касбларни мукаммал ўрганиш калити бўлган хорижий тилларни пухта ўзлаштиради.

— Ташкилотимиз дунёнинг кўплаб мамлакатларида иш олиб боради, — деди ЮНИСЕФ вакили Жеймс Брендли. — Ўзбекистончалик болалар келажаги, саломатлиги ва сифатли таълим олишига қайғурадиган давлатлар озчиликни ташкил қилади. Бугун сиз ота-оналарнинг фарзандларингизнинг билим олишига бефарқ эмаслигингизни кўриб, таъсирландим. Чунки бола мактабда 5-6 соат бўлса, қолган вақтини оилада ўтказади. Агарда ота-оналар фарзандлари билан дарс тайёрласа, камида уларнинг яна 2 соати фойдали машғулот билан банд бўлади.

Анжуман ниҳоясида 6-ИДУМда хорижий тилларни ўқитиш юзасидан тўпланган тажриба меҳмонлар томонидан юқори баҳоланди. Барча мактаблар оилалар билан шу тарзда ҳамкорлик ўрнатса, фарзандларимиз чет тилини тез ва мукаммал ўрганиши таъкидланди.

**Насиба ЭРХОНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**
**олган суратлар.**

2014-yil 11-oktabr, № 82 (8731)

# ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯ

## *мавзуларни пухта ўрганиш, мустаҳкамлаш ва такрорлашга хизмат қилади*

**Таълим жараёнини ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаси, кўрганлари ва китоблардан ўқиб билганлари билан боғлаш она тили дарсларини муваффақиятли ўтишнинг муҳим шартидир.**

**Маълумки, «Ўқиш китоби» дарслигидаги матнлар турли манбалардан олинади. Она тили дарслари ўқиш фани билан боғланса, ўқувчиларнинг ўқиш дарсида ўзлаштирган билимларидан фойдаланишга ҳам имкон яратилади.**

Бунинг учун ўқувчиларда мамлакатимизда, мактабда, оилада содир бўлган қизиқ воқеа-ҳодисалар ҳақида ўқиганларидан фойдаланиб гап тузиш, айрим парчаларни китобдан кўчириб ёзиш ва улар асосида грамматик таҳлилларни бажартириш мақсадга мувофиқдир. Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ўқишдан бериладиган топшириқ она тили дарсида тайёргарликсиз, мавзуга мосланмай берилса, яхши натижага эришиб бўлмайди. Шу боис ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда она тили дарсини ўқиш билан боғлаб ўтишда ўзаро мос келадиган қуйидаги мавзуларни ҳамкасбларимга тавсия қилмоқчиман.

Аввало шуни унутмаслик лозимки, берилаётган вазифа қайси асардан олинишидан қатъи назар, топшириқнинг бажарилиши ўша асар ғоясини яна ҳам мустаҳкам ўзлаштиришга ёрдам бериши керак. Масалан, 2-синф она тили дарслигида «Шаҳар, қишлоқ, кўча, дарё номларида бош ҳарф» деган мавзу бор. Мазкур мавзу ўтилганида ўқувчиларга «Ўқиш китоби»дан «Ўзбекистон — менинг Ватаним» (2-синф «Ўқиш китоби»), «Тошкент метроси» (2-синф «Ўқиш китоби») матнларидаги шаҳар, қишлоқ, кўча ва дарёларга атаб қўйилган номларни мустақил топиб, кўчириб ёзиш вазифасини бериш мумкин. Топшириқ бажарилгач, ўқувчилар жавоби биргаликда таҳлил қилинади.

«Бўғин», «Сўз ичида кетма-кет келган бир хил ундошлар» мавзуларини мустаҳкамлашда ҳам ўқиш китобидан матн, гаплар танлаб олиниб, уларнинг ўқилиши ва ёзилиши ўргатилса, яхши самарага эришилади.

3-синфда «Ундов гап» мавзуси ўрганилганда «Ватанимиз герби — туғро ҳақида эртак» (3-синф «Ўқиш китоби») матнидан ундов гапларни танлаб ёзиш топшириғини бериш мумкин. Топшириқ бажарилгач, ундов гапнинг қоидаси сўралиб, мавзу мустаҳкамланади. Сўнгра ўқувчилар ўзаро бир-бирларини текширадилар.

«Дарак гап», «Сўроқ гап» мавзуларини ўқитишда ўқитувчи 2 хил матнни олиб, «Ҳар бир матнда нечтадан дарак гап ва сўроқ гаплар борлигини аниқланг» тарзида солиштирувчи вазифа беради. Бу жараёнда ўқувчилар ўзларига таниш матннинг илгари эътибор қилмаган жиҳатларини ҳам илғайди. Ўқитувчи эса топшириқ натижаларига қараб ўқувчиларнинг мавзуни қай даражада ўзлаштирганини билиб олади.

«Сон» ва «Сифат» мавзусини ўрганишда эса «Ўқиш китоби»дан мисоллар топиб ёзиш, ёзган сўзлари қайси сўз туркумига кириши ва қандай сўроққа жавоб бўлишини аниқлаш мумкин. Ўзига хос томони шундаки, «Ўқиш китоби»даги матнлар болалар маънавий оламига яқинлиги, ҳаётий ва содда тузилганлиги билан ажралиб туради.

Расмли диктант ўтказилганда «Истиқлол кемаси» матнига тасвирланган расмдан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун қуйидагича топшириқ берилади: расмда тасвирланган осмон жисмларининг номини ёзинг ва сўзларнинг тўғри ёзилганлигини китобдан текширинг. Бунда ҳам мавзу мустаҳкамланади.

Луғат диктант, изоҳли диктант ўтказилганда ҳам «Ўқиш китоби»да учраган имлоси қийин сўзлардан фойдаланилса, ўқувчилар бу сўзларни тўғри ўқийдиган ва ёзадиган бўлишади.

Гап имло саводхонлигига бориб тақалар экан, таъкидлаш жоизки, саводхонликка эришишнинг муҳим омилларидан бири, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқидаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва тузатишдан иборатдир. Шунинг учун 1—4-синф ўқувчиларига дарс бериш жараёнида бир турдаги ёзма ишлар билан чегараланиб қолмай, ёзма ишнинг барча турларидан кенг фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг ўз фикрини хилма-хил баён эта олиш қобилиятини ўстириш лозим.

4-синфда «Отларнинг келишик қўшимчалари билан турланиши» мавзуси ўрганилганда эса дарсни мустаҳкамлаш учун «Ўқиш китоби»дан «Ҳиди, тилими ва мазасидан» матнидан фойдаланиб, сайланма диктант ўтказиш мумкин. Бунда келишик қўшимчалари билан турланган отлар танлаб ёзилади ва келишик қўшимчаларига тегишли белги қўйилади.

Топшириқни бажариш жараёнида хатога йўл қўйган ўқувчилар билан алоҳида ишлаш, ўзлаштирилмаган мавзуни янги ҳаётий мисоллар билан тушунтириш зарур.

Ўқувчи ўқув жараёнининг мураккаб қисмида фаол иштирок этсагина, ўзида мамнунлик ҳиссини туяди. Ўқитувчининг ранг-баранг усуллардан фойдаланиб, интеграциялашган дарс ўтиши ўқувчиларни фаоллаштириб, бўш ўзлаштирувчиларнинг ҳам иштиёқини оширади, ўтилган мавзуларни такрорлаши ва мустаҳкамлашига хизмат қилади.

**Ёқутхон ИСЛОМХЎЖАЕВА,**
**Қўқон шаҳридаги 32-ИДУМнинг бошланғич синф ўқитувчиси, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2014» республика кўрик-танлови ғолиби**

# МАНТИҚИЙ МАСАЛАЛАР ЖАВОБИ



*Aks sado*

Газетамизнинг шу йилги 6 сентябрь сонида чоп этилган "Мантиқий масала нима?" сарлавҳали мақолада кишини теран фикрлашга ундовчи масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилиб, хулоса қисмида улардан учтасининг ечимини топиш ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган ва белгиланган муддат ичида тўлиқ жавоб йўллаган мухлисга муаллифларнинг махсус совғаси борлиги маълум қилинган эди. Шу юзасидан таҳририятимизга бир қанча мактублар келди. Улар орасида Олмазор туманидаги 106-ИДУМИнинг математика фани ўқитувчиси Гулнигор Солиеванинг жавоблари муаллифлар томонидан тўғри деб топилди. У биринчи ва иккинчи масалага тўлиқ, учинчисига қисман ечим топган. Сабаби, охирги масала шартига кўра, иккита ёнма-ён секторнинг градус ўлчовлари фарқи 10° бўлиши керак эди. Бироқ жавобда келтирилган x ва x+70° орасидаги фарқ шартга тўлиқ ечим бўлолмайди. Шундай бўлса-да, ечимни топишга астойдил интилгани ва эътибори учун Гулнигор Солиевага самимий миннатдорлик билдирамиз. Қуйида мактуб муаллифи йўллаган жавобларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

**1-масаланинг жавоби**

Масалани ечишдан аввал оталарни $О_1$, $О_2$, $О_3$, ўғилларни $Ў_1$, $Ў_2$, $Ў_3$ деб белгилаймиз.

| **Биринчи қирғоқ** | **Иккинчи қирғоқ** |
|---|---|
| $О_1$, $О_2$, $О_3$ | — — — |
| $Ў_1$, $Ў_2$, $Ў_3$ | — — — |

**1-қадам.** Икки ўғил иккинчи қирғоққа ўтади.

| | |
|---|---|
| $О_1$, $О_2$, $О_3$ | — — — |
| $Ў_1$ — — | — $Ў_2$, $Ў_3$ |

**2-қадам**. Ўғиллардан бири қайтиб келиб, $Ў_1$ни олиб ўтади.

| | |
|---|---|
| $О_1$, $О_2$, $О_3$ | — — — |
| — — — | $Ў_1$, $Ў_2$, $Ў_3$ |

**3-қадам.** $Ў_1$ қайтиб ўтиб, отасининг ёнида қолади. Нариги икки ота иккинчи қирғоққа ўтади.

| | |
|---|---|
| $О_1$ — — | — $О_2$, $О_3$ |
| $Ў_1$ — — | — $Ў_2$, $Ў_3$ |

**4-қадам.** $О_2$ ва $Ў_2$ биринчи қирғоққа қайтади. $Ў_2$ қолади, оталар эса иккинчи қирғоққа ўтади.

| | |
|---|---|
| — — — | $О_1$, $О_2$, $О_3$ |
| $Ў_1$, $Ў_2$ — | — — $Ў_3$ |

**5-қадам.** $Ў_3$ биринчи қирғоққа ўтиб, $Ў_2$ ни ўзи билан олиб қайтади.

| | |
|---|---|
| — — — | $О_1$, $О_2$, $О_3$ |
| $Ў_1$ — — | — $Ў_2$, $Ў_3$ |

**6-қадам.** $О_1$ келиб, ўғлини иккинчи қирғоққа олиб ўтади.

| | |
|---|---|
| — — — | $О_1$, $О_2$, $О_3$ |
| — — — | $Ў_1$, $Ў_2$, $Ў_3$ |

**2-масаланинг жавоби**

БА йўналишдаги биринчи кема кўрфазга киради. АБ йўналишдаги 4та кема кўрфаз олдидан ўнг тарафга сузиб ўтади. Биринчи кема кўрфаздан чиқиб, йўналишини давом эттиради. АБ йўналишдаги 4та кема эса орқага, сўл тарафга сузиб ўтади.

БА йўналишдаги иккинчи кема кўрфазга киради ва яна АБ йўналишдаги 4та кема кўрфаз олдидан ўнг тарафга сузиб ўтади. БА йўналишдаги иккинчи кема кўрфаздан чиқиб, йўналишини давом эттиради. АБ йўналишдаги 4та кема орқага, сўл тарафга сузиб ўтади.

БА йўналишдаги учинчи кема кўрфазга киради. АБ йўналишдаги 4та кема кўрфаз олдидан ўнг тарафга сузиб ўтади. БА йўналишдаги учинчи кема кўрфаздан чиқиб, йўналишини давом эттиради. АБ йўналишдаги 4та кема эса орқага, сўл тарафга сузиб ўтади.

БА йўналишдаги тўртинчи кема кўрфазга киради. АБ йўналишдаги 4та кема кўрфаз олдидан ўнг тарафга сузиб ўтиб, йўналишини давом эттиради. БА йўналишдаги тўртинчи кема ҳам кўрфаздан чиқиб, йўналишида давом этади.

**3. Геометрик масаланинг ечими**

*Ечиш*: $360^0=(x)+(x+10)+(x+20)+(x+30)+(x+40)+(x+50)+(x+60)+(x+70)$

$360^\circ=8x+(10^\circ+20^\circ+30^\circ+40^\circ+50^\circ+60^\circ+70^\circ)$

$360^\circ=8x+280^\circ$

$8x=360^\circ-280^\circ$

$8x=80^\circ$

$x=10^\circ$

$10^\circ+20^\circ+30^\circ+40^\circ+50^\circ+60^\circ+70^\circ+80^\circ=360^\circ$

*Жавоб*: $x=10^\circ$

# ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ

## илмий изланишларга кенг йўл очаяпти

***"Ҳакимнинг уч қуроли бор: сўз, гиёҳ ва тиғ", деган эди Абу Али ибн Сино. Буни қарангки, орадан бир неча юз йиллар, илм-фаннинг саноқсиз инқилоблари ўтиб ҳам, бугунги замонавий тиббиётда ана шу уч омил: психологик муолажа, табиий, дори-вор препаратлар ҳамда жарроҳлик инсонларни дарддан халос этишда энг самарали восита бўлиб келмоқда. Тошкент тиббиёт академиясидаги "Тиббий генетик молекуляр ҳужайравий, фармакотоксикологик ва биологик тадқиқотлар лабораторияси"да профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар ана шу уч омил ёрдамида самарали тадқиқотларни амалга оширмоқда.***



— Лабораторияни илмий ишлар амалга ошириладиган жой, иморат деб қарайдиганлар янглишади, — дейди лаборатория раҳбари Бахтиёр Ирисқулов. — Бу ерда, яъни тажриба майдонида ақл ва билим механизмлари ўзаро куч синашади. Ана шу интеллект "жанг"и учун қулай майдон бу лабораториядир. Шунинг учун биз доим талабаларга назариясиз амалиёт бўлмайди, лабораторияга билим ва зеҳн таъминотисиз келишдан наф йўқ, дея кўп уқтирамиз. Зотан, Ибн Сино бобомизнинг "Ақл тарозусида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир. Шу боис мантиқ илмини ўрганмоқ жуда муҳим", деган фикри ҳар бир ишнинг моҳиятини англаб, сўнгра изланишларга қўл уриш жоизлигини кўрсатади.

Лабораториядаги биологик ва иммунологик тадқиқотлар, фармакотоксикология, молекуляр-ҳужайравий технологиялар ва электрон микроскопия, тиббий-генетик ва иммуноферментатив тадқиқотлар бўлимларида фаолият кўрсатаётган ходимлар, ёш олим ва мутахассисларнинг барчаси Ибн Синонинг ғоибий шогирдлари десак муболаға бўлмайди. Чунки барча тажрибалар, илмий изланишлар замонавий фан технологиялари билан бирга улуғ бобокалонимизнинг «Уржуза фит-тиб» («Тиббий уржуза»), «Ал-Адвиният ал-қалбия» («Юрак дорилари») ҳамда «Тиб қонунлари» номли тиббий энциклопедик асарлари таққословида олиб борилади.

Лабораториядаги ҳар бир бўлим учун ажратилган махсус тажриба хоналари эшигидан мўралар эканмиз, қизғин иш жараёнидаги изланувчиларни саволга тутиб, чалғитишга андиша қилдик. Бу ердаги сокинлик, илму урфон оламига хос файз, китоб саҳифаларию копьютер мониторларига термулиб, ўз ишига фикран сингиб кетган ёш йигит-қизларни кўриб ҳавасимиз ортди.

— Бугунги кунда тиббиёт соҳасида етук мутахассис бўлиш учун лаборатория сабоқларини олиш ўта зарур, — дейди фармакотоксикология бўлими изланувчиси Шоҳиста Ҳошимова. — Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида илм-фан юксак даражада ривож топган бўлса-да, тиббий ташхислар кўп ҳолларда абстракт-фалсафий, фикр юритиш ҳамда интуиция орқали ҳал қилинар эди. Аммо Абу Али ибн Сино ушбу нореал ташхислар билан чекланиб қолмай, ўзининг амалий тажрибалари ва лаборатория машғулотлари орқали тиббиёт соҳасига кўпгина оламшумул янгиликларни киритди. Буюк олим ўша давр табибларига хос ташхис усули — касалликнинг моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари экспериментал усул билан исботланмайдиган, яъни рутубатлар назарияси ва мижозлар тушунчаси билан чекланмасдан, мустақил лаборатория ишларини олиб борди ва натижада кўплаб муаммоларга ечим топди. Улуғ бобокалонларимиз изидан бораётган биз талабалар дарс жараёнида ўрганаётган билимларимизни, дарсдан сўнг лаборатория машғулотларида мустаҳкамлаб келмоқдамиз. Хусусан, мен устозим, тиббиёт фанлари доктори Алишер Раҳмонов билан биргаликда Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган коврак ўсимлигидан олинаётган моддани ўткир токсикоинфекцион гепатитни даволашда қўллаш, жигарнинг ўт ва сафро ишлаб чиқариш фаолиятини ўрганиш устида изланиш олиб боряпман. Лабораторияда амалга ошираётган илмий ишим муваффақиятли якунланса, илмий ҳайъат аъзолари ушбу тадқиқотни кўриб чиқиб, клиник синовга юборади. Синов хулосалари ҳам ижобий баҳоланса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Дори воситалари сифатини назорат қилиш ва тиббий техника бош бошқармаси тавсияси билан янги дори воситаси ишлаб чиқаришга рухсат берилади.





Фан-техниканинг юксак тараққиёти инсон саломатлиги йўлида ҳам ижобий хизмат қилмоқда. Хусусан, бундан бир неча юз йиллар муқаддам касалликка аввал тана сиртидан, сўнг ички органлар ҳолатидан келиб чиқиб ташхис қўйилган бўлса, эндиликда замонавий технологиялар ёрдамида нафақат аъзолар хасталиги, балки ҳужайралар ва уларнинг таркибидаги микроорганизмлар касалликлари ҳам ўрганилиб даволанмоқда.

— Лабораториянинг молекуляр-ҳужайравий технологиялар ва электрон микроскопия бўлимидаги асосий машғулотлар тиббий технологиялар воситасида олиб борилади, — дейди тиббиёт фанлари номзоди Олимжон Амруллаев. — Изланувчи талабалар ва ёш олимлар билан электрон микроскоп ёрдамида ҳужайранинг ўта нозик тузилмаларини аниқлаб, ситокимёвий, сентрофугалаш каби кимёвий тадқиқот усулларида илмий изланишлар олиб бораяпмиз. Жумладан, ҳомиладорликдаги турли ташқи, зарарли таъсирлар, уларнинг туғруқдан кейин инсон аъзоларига таъсири механизмларини синчковлик билан тадқиқ ва таҳлил этиб келаяпмиз.

Лаборатория машғулотлари давомида баъзи мураккаб синовларда қийналган, ялқовликка берилган шогирдларимга Ибн Сино бобомизнинг зеҳн-заковати, ибрат олгулик сабр-тоқати билан боғлиқ мисолларни айтиб, уларга ғайрат бағишлашга ҳаракат қиламан. Бугунги олимлар ҳужайралар ичидаги "микрокосмос"ни ҳам ўрганиш имконини берадиган электрон микроскоплардан фойдаланаётган бўлишса, Ибн Сино касалликка перкуссия, яъни аъзога уриш орқали тўғри ва аниқ ташхис қўя олганини айтиб, уларни улуғ аждодларидан ибрат олишга, изларидан боришга ундайман.

Руҳ жисмга боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил фикрлайди, деган эди улуғ аллома Абу Али ибн Сино. Демак, илмда дастлабки қадамларини қўяётган ёш авлод руҳиятига ижобий таъсир ўтказиш, улуғ аждодлари меросидан фахр туйғуларини уйғотиш уларнинг келажакдаги ютуқларига асос бўлиши тайин.

### Jarayon

— 2010-2011 йиллари Хитойнинг Чинду шаҳридаги Биология институтида таҳсил олган вақтларимда, "Ўзбекистонданман" деган сўз қанчалар фахрли эканини англаган эдим, — дейди биологик ва иммунологик тадқиқотлар бўлими раҳбари Бахтигул Азимова. — Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан ўқиш учун келган илм аҳли Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино каби буюк олимларнинг авлоди эканимни эшитиб, менга ҳавас билан боқишарди. Бугун шогирдларимга улуғ бобокалонларимиз номига муносиб бўлишни, ҳар бир тадқиқот нуқтасига ниҳоятда синчковлик билан ёндашиш зарурлигини алоҳида таъкидлайман.

Тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар ўртасидаги «устоз-шогирд» анъанаси ўз натижаларини бермоқда. Тиббий педагогика факультети 2-курс талабаси Ҳотима Исломованинг "Ёш олимлар кунлари. Тиббиётнинг долзарб масалалари III илмий, амалий анжумани"да "Study the effect and mechanism of benzofurans on the biosynthesis of esterogen"(Эстроген биосинтезига бензофуранларнинг механизмлари ва таъсирини ўрганиш) мавзусида инглиз тилида сўзлаган маърузаси хорижлик меҳмонлар ва тадбир иштирокчилари томонидан юқори баҳоланди. Тиббий инглиз тили фанидан ўрганган билимлари туфайли Ҳотима Исломова хорижлик илм соҳиблари томонидан "ўнлаб тилларни билган ва ижод қилган Шарқ алломаларига муносиб авлод" сифатида эътироф этилди. Шунингдек, изланувчан талаба Шоҳида Ҳошимованинг тадқиқотлари ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдирилаяпти...

Талабаларнинг бу каби ютуқлари устозлар қалбига ғурур ва ифтихор туйғуларини бағишлаши тайин.

**Маърифат ТЕМУРЗОДА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**
**олган суратлар.**

Ma’rifat

2014-yil 11-oktabr, № 82 (8731)



***Ойқорнинг чап елкасидан секин кўк гумбазга ўрлаган қуёш яшил майсазорларга сепилган шудринг томчиларида ўзини акс эттираётгандек кўзни қамаштирди. Эрта азондан елкасига чопон илган боболар қўлини кўзига соябон қилиб, томорқа — боғларини суғораётир. Сувнинг зилоллигидан ариқ тубида оқ, қора, қўнғир, гўлос тошлар равшан кўринади. Шу атрофга борганингиз сайин димоғингизга намхуш ёқимли ел уравeради.***

# БАХМАЛДАН — ТОШКЕНТГАЧА

## *ҳар қадамда тарих, бунёдкорлик нишонаси*



Онам ариқ олдигача бирга келди-да, хайрлаша туриб қўлини дуога очди: “Эсон-омон бор, болам. Ризқинг бутун бўлсин! Етиб боргач, хабар қил, илҳақ бўлмайлик!”. Хайрлашиб маҳалла гузари томон одимладим.

Бу кўчадан кунда неча минг одам юради, ҳеч ким билмайди. Лекин йил сайин қишлоқ кенгайиб, уйлар кўпайиб бораётир. Олдинда кетаётган тўрт-беш йигит ўқишга ошиқаяпти, яна бир талай мактаб ўқувчилари қаергадир отланишган... Эҳтимол, саёҳатга боришаётгандир Самарқанд ё Бухорога...

Дўкондор дўконини очди, келинчак ҳовлисини супураяпти, қассоб чангакка қовурға гўштни осди, Вали мироб кўзини ишқаб ариқ ёқалаб келаверди. Ариқдаги сувга назар ташладим: бироз лойқаланибди. Булоқ бошида бир сурув қўй Сувлисойга томон ўтлайди...

— Ҳа, сафаринг эрта қарибдими?! — деди мироб саломимга алик оларкан, кулиб. — Меҳмондек дарров келасан-кетасан.

Кўришдик.

— Ҳа, ўзи ҳаёт шундан иборат-ку! Келиш — кетиш.

Вали ака эснади.

— Шунинг учун ухламай юрибман-да!

— Уйқу ғафлат, кейин... бутун умр уйқуга кетгунча уйғоқ юринг! Мудраш қочмайди.

— Ҳа, ҳазилинг ҳам қуруқ гапмас-да! Яхши бор!

Бекатга етгунимча, чамаси, ўн-ўн беш киши билан сўрашдим.

***

... «Дамас» Ўсмат томон югурди. Болалик ўтган қадрдон тупроқ йўллар, далалар, кенгликлар, бўзлар ортда қолаверди. Ҳатто лойсувоқ томларнинг устида чопган дамлар, болалар билан кураш тушган, ҳов анави, тепаликдаги ҳангомалар... эндигина кўз ўнгингизда бўй кўрсатаётгандек. Ҳозир мана шу кўчаларни ялангоёқ чангитган кишиларнинг ўғиллари бугун улғайиб асфалт йўлларда машиналарини ғизиллатиб юрибди.

Қирдан ошиб, яна бир қишлоқ йўлидан ўтасиз. Қизиғи, уларнинг бири иккинчисига ўхшамайди, одамлари ҳам, табиати ҳам. Бир қишлоқ аҳли бодом билан шуғулланса, бошқасида олмазор кўп, яна бировининг чорваси мўл. Хуллас, ҳар сафар юрадиган қадрдон йўлларда яна бир мўъжиза топадигандек атрофга аланглаб бораётирман.

Ҳар гал йўлга отлансам, домламизнинг гапи хаёлимда югуради: “Юртимизнинг ҳар бир ери муқаддас, узун тарих. Қадамингда зиёратгоҳ, бир мўътабар жой учрайди”.

Устознинг гапи беҳикмат эмас. Атрофга синчков назар ташласангиз, тепаликлардан тошларгача, қудуқлардан булоқларгача тилсим эканини фаҳмлайсиз.

Қоратош қишлоғига етганимизда қабристон четида қаққайган қора харсангтошга кўзим тушди. У ҳақда ўнлаб афсоналар тўқилган. Қишлоқ аҳли билан гурунглашсангиз, билганича, хилма-хил талқинда айтиб беради.

Эшитишимча, у бир онанинг тимсоли эмиш. Она йиғлай-йиғлай фарзанди доғида куйиб — қорайиб, харсангтошга айланганмиш. Бу тўқимами ё ҳақиқат — ҳеч кимга маълум эмас, аммо шуниси аниқки, бунинг замирида онанинг, жонфидолиги мужассам.

Она ва Ватан туйғуларини барча уйғун тасаввур этади. Қоратош афсонасининг моҳиятини хаёлан таҳлил этсангиз, Она деганда қалб чимиллаши сири, шу тупроқ — Қоратошни ҳам шу ерлик кишилар соғиниши бежиз эмаслигини тушуниш мумкин. Ҳаётнинг ҳеч қачон инкор этилмайдиган ҳақиқати — Онанинг куюнчаклиги, тупроқдан яралиб, тупроққа айланиш...

Воқеа ёдимдан кўтарилар-кўтарилмас яна бир овул — Ўрайга келдик. Номи географик жойлашувига ишора қилади: қишлоқ тоғнинг этагида, ён-атрофи пастқам тепаликлар билан ўралган.

Ўрайнинг бекатидаги катта сада остида ўтирган кампир ҳассасига суяниб қад ростлади-да, машинага қўл силкиб тўхтатди.

— Небарам, туман марказигача опкет! Келиним ўғил топиб олибди, шунга бораяпман. Бўри, суюнчи бер! Сизларга ўхшаган бировнинг оғирини енгил қиладиган бўлсин!

Момонинг “ишбилармон”лигига кулишдик.

— Ўтиринг, момо! — деди ҳайдовчи. — Умри узун бўлсин полвоннинг!

Ҳаммамиз кайвонига “Ўғил муборак” дедик.

Қир ҳатлаб Мўғолга, кейин Говхонага ўтдик. Мўғолнинг усти — Туркистон тизма тоғлари этакларида катта қабристон бор. Қабристоннинг теварағи темир тўсин билан қуршалган ва четига бодом ўтқазилиб иҳоталанган. Одамлар юзига фотиҳа тортиб, дўппайган қабрлар, мармар сағаналар, ғиштин, тош, ёғоч, темир ёдгорликларга беихтиёр қараб ўтади... Ҳозир куз фасли бўлса-да, қабрлар усти ҳар хил анвойи чечаклар оғушига ғарқ... Қип-қизил, оқимтир, сарғимтир гуллар мунгли сукунатни қувгандек, бодомлар тагидан оққан сув ариқ четида унган андиз, ялпиз, райҳонлар иси мунғайган қабрларга ҳаёт нашъасини улашмоқчидек... тепаликда учаётган қушларнинг чуғур-чуғури тинмайди.

Йўл бўйида ўқиш ё ишга шошаётган одамлар учрайди. Аҳён-аҳён тепаликдан қўйларнинг маъраши, чўпонларнинг қичқириғи, отларнинг кишнаши қулоққа чалинади.

Ҳаш-паш дегунча Ўсматга етдик. Момо кулимсираб деди: “Техникага нима гап, бу йўл! Ўҳ-ҳў, бизнинг давримизда отулов судраб келгунча туш бўларди”. Пул йиғиб, ҳайдовчига узатдик. Шоҳ бекатда тушиб, таксилар тўхташ жойи томон юрдим. Бекат гавжум.

— Тошкенга бормайсизми? — деди бир амаки тикилиб.

— Бораман...

— Ўғлимга почта бор эди, олиб кетинг, — деб қўлидаги пакетни кўрсатди.

— Майли, рақамини айтинг!

У ўғлининг телефон рақамини айтди.

— Абитуриент, исми Суннатилла. Хизмат ҳақини ўзингиз оларсиз, ичидан.

Қотма, чайир кишининг гапидан ҳазиллашдим:

— Хизмат ҳақи қиммат. Бировнинг омонатини етказиш осонми!

Амакининг кўзлари киртайди.

— Қанча бўлади, йигит?

— Миллион... — дедим жиддий.

У ҳазилимни сезиб, жилмайди:

— Барака топинг!

«Нексия»га ўтирдим. Машина ғизиллаб Ғалларол томон кетди.

Ҳайдовчи радио мурватини буради.

Сухандоннинг ёқимли овози жаранглади.

***Бир ўлкаки, тупроғида***
***олтин гуллайди,***
***Бир ўлкаки, сал кўрмаса***
***қуёш соғинар,***
***Бир ўлкаки, ғайратидан***
***асаби чақнар,***
***Бир ўлкаки, қишларида***
***шивирлар баҳор.***

Олд ўриндиқда ўтирган бобо соқолини тутамлаб, гап бошлади:

— Шоиргаям қойил, турпоғида олтин гуллайди, деган. Кўчма маънода-ку, лекин тўппа-тўғри гап. Олтиндек ялт-ялт ёниб ўзига чорлаётган меваларнинг гулларига қаранг! Тупроғи унумдор ерга чўп қадасанг, дарахтга айланади. Эсимни танибманки, мана шу йўллардан юраман. Бир неча йил илгари ариқ четига бир отахон набираси билан теракнинг новдасини суқиб юрганди.

Бобо имлаб Сангзор ариғининг бўйларини кўрсатди. Қатор тизилган теракларга кўзимиз тушгач, унинг гапини маъқуллаб бош ирғадик.

— Шу тераклар томга болор бўлгудек. Соясида нечи одам ҳордиқ чиқаради. Ўҳ-ҳў, савобини айтаверинг! Тирик бўлса ҳам, ўтган бўлса ҳам, савобини кўриб ётгандир. Қишлоқни айлансангиз, ҳар бирининг уйида мошина. Етти яшаридан етмишигача бари меҳнаткаш. Тонг-азон туриб, деҳқончилигини, чорвачилигини қилади. Ҳалоли бўлсин! Меҳнатнинг баҳоси шундай-да, иним!

Узун эгатларда эгилиб, сабзи ўтоқ қилаётган қизларнинг лапарлари ҳам қулоққа эшитилади.

***Сочим учи қўнғироқ,***
***ўзим айланай,***
***Ёр, менга қилма фироқ,***
***ўзим айланай.***
***Ёр, менга қилсанг фироқ,***
***ўзим айланай,***
***Кетай десам йўл йироқ,***
***ўзим айланай.***

Бизни йўллар Тозауруғ, Суғунбой, Гулистон қишлоқларига элтди. Тонг саҳарлаб кундалик юмушларини тиндиришга ошиққан қишлоқ аҳли ариқ бўйларида, яйловларда, боғларда, чайлаларда нонушта қилаётир. Лойўчоқларнинг биқинидан ўрлаган тутун бир муддат нари-берини ғуборлантиради-да, кейин ёйилиб кетади. Тағин қўни-қўшнилар ҳам бу ишоранинг маънисига тушунгандек секин-аста ўша тутун чиққан томонни мўлжалга олиб бораверади.

Бошига рўмол ўраган келинчак човгумдан чойнакка обжўш тўлдириб белўроқни қайраб ўтирган ёри олдига шошилади. Ҳашарга ошиққан куёвнинг жўралари йўл бўйидан бақир-чақирни дўндириб, ҳазил-ҳузилни боплаб кетиб боради. Бу кичик эпизодлар ҳам кишини ҳайратлантиради, ҳаваслантиради. Улар орасидаги меҳр-муҳаббатнинг чек-чегараси йўқ. Эҳтимол, уларнинг тўйлари ҳам шу яқин орада ўтгандир.

Пишиқчилик бошланди дегунча, тўй кўпайиб, к[illegible]ларни тўлдирган машиналар қатнови янада тезлашиб, сайрга чиққан келин-куёвларнинг ҳангомалари атрофни тутиб кетади: ўзимизнинг “Cobalt”, “Lasetti”, “Malibu”ларда айланишга шайланган куёвжўралару келин дугоналари йўл-йўлакай беихтиёр одамларнинг эътиборини тортади.

Ёрғоқ қишлоғи яқинига етганда шу ҳангоматалаб ёшларнинг ҳай-ҳайларидан сергакланиб атрофга серсолдим: кимдир ҳуштак чалди, кимдир қўлидаги шарни осмонга учирди, биров ёнидаги қизнинг гапга кўнмаётганидан задаланиб, пешанаси тиришди-ю, кейин қизнинг дугонасига “Бир нима десанг-чи”, дегандек имлади.

Ёнимда ўтирган момо миййиғида кулди:

— Қизи қурғур-эй, сир бергичга ўхшамайди. Ўзи «жон-жон» деб турибди-ку, ноз қилганига ўлайми? Йигитнинг нияти борга ўхшайди, кетай демайди.

Опа гап қўшди:

— Психолог бўп кетинг-а, опа!

Гурунг авжига чиқди.

Мен боягидек одамларни, табиатни кузатиш билан бандман. Бирин-кетин Болғали, Кетмончи, Шерқанғли қишлоқлари кўз олдимдан ўтди. Уларнинг номларига қараб ҳам тарихини, одамларини, турмуш тарзини билиш мумкин. Болғалининг тирикчилиги ҳунармандчилик, Кетмончиники деҳқончилик. Қишлоқнинг табиати, одамларининг машғулоти ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бугун ҳам бу меҳнаткаш элнинг қўли қадоқ деҳқонлари элимизнинг дастурхони тўкинлиги учун полизидан, даласидан, боғидан чиқмайди. Ҳов анави чолни ҳар сафар мана шу йўлдан ўтаётганимда учратаман. Отанинг меҳнаткашлигига қойил, кўкламдан кеч кузгача полизни чопади, тозалайди, ҳосилини ҳам шу ерда пуллар... Ҳалиям бобо бардам, бақувват! Меҳнат одамни чиниқтиради дегани шудир-да!

...Ғаллаоролда «Нексия»дан тушиб, Бир-икки қадам ташлаган ҳам эдимки, машина сигналидан ўнгландим.

— Ука, Тошкентгами?

Ҳа, дегунимча, ҳайдовчи сайрай кетди:

— Тез бўл, мендек арзон таксистни кечгача ҳам тополмайсан! Кўнгилдан чиқариб бир нарса берарсан, ўтир тез! Шошиб турибман!

Орқа ўриндиққа қўниб, ёнимда менга тенгқур бир йигит, олдинда бир ота ҳамроҳ эканини билдим. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашдик.

«Садр Ваққос булоғи» деган ёзувга кўзим тушгач, миядаги ўйлар авжлана бошлади.

Бувимнинг айтишича, илгари бу ерлар ҳозиргидек зиёратгоҳ эмас, бир тилсим экан. Тадқиқ этиш тугул, бу тўғрида гапириш ҳам “дуруст” саналмаган. Садр Ваққос булоғи ўтмиши яширилган, қаттиқ сир тутилган. Ҳозир бу жойлар муқаддас гўша, ўтмишдан бир нишона.



Н.БОЙМУРОДОВА суратлари.

Машина Молгузар тизмаси устидаги довондан ўтиш учун илдамлади.

— Мана шу далаларда умримиз ўтган, болам, — деб гап бошлади ота. — Тонг саҳардан қора кечгача тиним билмай ишлардик. Кунлик режани бажармасак, йиғилишда сўкиб, далага қувишарди. Эгатларда тонг оттирганмиз, оёқдан зах ўтса, дириллардик. Ҳатто орамиздаги қизларнинг йиғлаганини кўрсак, ориятимиз қўзғар, қўллар мушт бўлиб тугилар, аммо кимдан аламимизни олишни билмай, ғашланардик. Ўзимизнинг еримизга биров хўжайин, ҳосил бировники, ҳузур бировники.

Ҳайдовчининг кўзлари чақнаб кетди. Рулни маҳкам қисиб ушлади.

— Бугун биз бировнинг қўлига қарайдиган давлат эмасмиз. Йигирма уч йил бўлди мустақиллигимизга. Йигирма учдаги йигитнинг ғайрати, орзуси — энг улуғ, энг қутлуғ. У ўзини, оиласини, халқини ҳимоя қиладиган ёшда!

Маъқулладик.

Амакининг гапларини шунчаки эшитишнинг ўзи камлик қилади. Негаки, у шунчалик берилиб гапирардики, руҳиятида халқнинг дарди, орзулари кўринар, тўлқинланиб кетарди.

*Yo‘l ocherki*

... Текис, равон асфальт йўлларда ғизиллаган машина Жиззах, Пахтакор, Дўстлик туманига, кейин Сирдарё вилоятига элтиб қўйди.

Йил сайин мана шу серқатнов йўлларда автомобилларимиз сони, тури кўпайиб бормоқдаки, бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бир замонлар бу йўлларда ўзимизнинг машиналар юришини хаёлимизга сиғдира олмаган бўлишимиз мумкин, бироқ шу тобда бунинг амалга оширса бўладиган иш эканини кўриб турибмиз. Ҳатто машиналаримизнинг экспортбоплиги чет эллик харидорларни ҳам қизиқтирмоқдаки, юртимиз дунёнинг автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлари сирасига қўшилди. Дастлаб иш бошлаган 1996 йили Асакада 25,3 минг дона машина ишлаб чиқарилган бўлса, 2013 йили бу кўрсаткич 246 минг 330 тага етгани ва шу тобда ҳар 100 кишига 41 автомобиль тўғри келиши ҳар бир юртдошимиз қалбини ифтихорга тўлдиради...

Бахт шаҳри. Бу номнинг ўзиёқ ниманидир изоҳлаётгандек. Бу шаҳарда масъудлар яшайди, бу юрт масрурлар маскани. Шу ерга етганимизда олд ўриндиқда ўтирган отахонга кимдир сим қоқди. Отахон бақирганнамо гапира бошлади:

— Болам, уй қуллу бўлсин! Ҳа, ҳа, тўйхона бўлсин! Бориб кўрдим, замонавий-замонавий дейсилар, кўрмагунча билмас экансан-да! Казо-казо давлатлардаги уйлардан ками йўқ. Телвизорда кўрганман, бежирим, қишда хона совимайди, ёзда салқин, бизди одамларга шундайи маъқул-да, болам! Энанг икковимиз бир бориб, дам олиб келамиз.

Кулишдик.

Сирдарё қирғоғига кўкрагини урмай, саёз оқаётир. Дунёнинг энг серсув дарёларидан бири унумдор тупроғимизни суғоришининг ҳам ҳикмати кўп.

... Йўллар яна пойтахт сари етаклади. Машина ойнасидан боғу роғлар, теракзорлар, автосалонлар, уйлар, бекатлар... ўтаверди. Пахтазорлар ўзбек халқининг орзулари, келажагидек оппоқ. Ўқариқлардан келган сув жўякларга қуйилиб, тупроққа жон улашмоқчидек...

Хаёл билан Чиноз, Янгийўл, Зангиота туманларидан жуда тез ўтиб кетгандек бўлдик, атрофга қараб тушлик яқинлигини англаш мумкин эди. Чилонзор буюм бозорига етганда одамларнинг ғала-ғовури роса авжига чиққанди. Олмазор бекатида эса ҳалиги абитуриент мени кутиб, телефон қиларди. Манзилга эсон-омон етиб келдик.

Абитуриентга телефон қилиб, чақирдим. Кейин исмини сўрадим-да, отаси бериб юборган пулни қўлига тутдим. У раҳмат айтиб, дарров автобусга чиқиб жўнаб қолди. Ортидан омад тиладим.

Уй томонга аста-секин қадам ташларканман, йўлларнинг энтиктирувчи хотиралари кўз ўнгимда яна жонлана бошлади. Ҳар бир қадам бир тарих, ҳар қадам бир бунёдкорлик нишонаси.

**Олимжон ЖУМАБОЕВ,**
**“Ma’rifat” мухбири**

*Elda aziz*

***«Умр бўйи меҳнат қиладиган деҳқоннинг энг кам ишлатадиган сўзи «меҳнат»дир», деганида Лев Толстой ҳақ эди. Устозлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Чунки у бутун ҳаёти, фаолияти давомида қанчадан-қанча мудроқ қалбларни уйғотади, иқтидорини юзага чиқаради. Чин ҳаёт майдонида биринчи ўқитувчимизнинг сабоқлари бизга йўл кўрсатади. Шунинг учун биринчи октябрь тонгини ўзгача завқ, андак ҳаяжон, тараддуд билан қаршилаймиз. Шу куни яна болага айланамиз, устозимиз билан ҳув ўша, алифбо, кўпайтириш жадваллари илинган синфхонага қайтамиз... Ҳаммаси кўз олдимизда. Анча йиллардан бери илмга ташна юракларга сўз сеҳри, она тили жозибасидан сабоқ бераётган устоз билан байрам баҳона дийдорлашдик.***

# МЕҲРИГИЁСИ БОР

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Очахон Зокирова йигирма икки йиллик иш жараёнида ўқувчилар қалбидан меҳридарё, хокисор устоз сифатида ўрин олди. Фарғона вилояти Риштон саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг қай биридан сўраманг, ҳеч иккиланмай “Коллеждаги энг севимли устозим-ку!” дея жавоб беради.

Очахон Зокирова тумандаги 27-умумий ўрта таълим мактабини тамомлагач, Фарғона давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ҳужжат топширади. Бунга асосий сабабчи илк муаллими Аъзамжон Ҳомидов эди. Адабиёт эшикларига калит солинганда ўқитувчи бўлиш ниятини митти юракка тугун қилиб тукканди. 1993 йили тумандаги энг илғор мактабдан бошланган иш кейинчалик касб-ҳунар коллежида давом этди. 2001 йилдан буён ўқувчи-ёшларни мустақил ҳаётга йўллаб келаётган муаллима билан суҳбатлашар экансиз, унинг қиёфасида ҳақиқий ўзбек аёлини, ўзбек онасини кўргандек бўласиз. Устоздаги самимиятдан сизга ҳам юқади. Исталган мавзу, хоҳлаган саволингизга ҳаётий мисоллар орқали жавоб оласиз.

— Бир алломанинг шундай фикри бор: «Ўқувчини меҳнат қилишга ўргат, уни фақат меҳнатни севишга эмас, балки меҳнат билан шундай дўстлашишга кўниктиргинки, токи меҳнатга меҳр вужуд-вужудига сингиб кетсин. Уни шунга ўргатгинки, ўз кучим билан бирор нарсани эплай олмайман, деган ўй хаёлига ҳам келмасин», — дейди Очахон Зокирова. — Қалбинг пок, виждонинг тоза бўлса, йўлинг доим ёруғ бўлади.

Очахон Зокирова мактабда ҳам, коллеж синфхонасида ҳам кўп ўқувчиларнинг қалбида она тилига муҳаббат, халқ оғзаки ижодига меҳр, адабиётга ҳурмат ҳиссини уйғотди. Бугун юртимиздаги олий таълим муассасаларини устознинг кўпгина ўқувчилари тамомлаб, турли соҳаларда ўз мустақил фаолиятини бошламоқда. Озода Эгамбердиева, Соҳиба Зокирова каби шогирдлари эса устоз йўлини танлади.

— Таълим-тарбия бериш нақадар мушкуллигини ўзим ўқитувчи бўлиб синфхонага кирганимда англадим. Ҳар бир сўзни ўйлаб гапириш, нима қилсам ишим самаралироқ бўларкан деган ўй-хаёл тинчлик бермайди. Масъулият нима эканлигини шунда ҳис қиларкансан, — дейди Соҳиба Зокирова. — Агар бирор қийин вазиятга тушиб қолгудек бўлсам, устозим Очахон опадан эшитган ўгитларим, олган сабоқларим ёдимга тушади. Кўпинча улар қўллаган усуллардан фойдаланаман.

Инсон бир пайтнинг ўзида турли тилларда мулоқотга кириша олмайди. Тил ўрганиш ҳам санъат. Бунга кимнингдир иқтидори етар, кимдадир бунга имконият йўқ. Ўқувчида дунё тилларини ўрганишга иштиёқ бўлса, аввало, ўз она тилини пухта билиши лозим. Ўз тилини ҳурмат қилган одамдан ёмонлик кутиб бўлмайди. Яна бир томони, ўзга халқлар тилларига ҳурматда бўлади. Риштон саноат касб-ҳунар коллежидаги ҳар бир она тили ва адабиёт дарсида Очахон Зокирова дунё тилларини билиш зарурлигини, лекин ундан олдин ўзбек тилининг бой имкониятларини чуқур эгаллаш шартлигини таъкидлашдан чарчамайди. Бунинг натижасида коллеж ўқувчилари орасидан фан олимпиадалари, турли танловлар ғолиблари, хориж давлатларида ўқиш имконига эга бўлган ўқувчилар етишиб чиқди.

— Устозим Очахон Зокированинг дарсларида бошқача бўлиб ўтираман. Билмадим, устозимнинг овозими ёки ёзувчи, адиблар ҳақидаги маърузаларими, эҳтирос билан шеър ўқишларими — ҳаммаси ўзгача таъсир қилади. Менингча, у кишининг меҳригиёси бор. Шу сабаблидир, билмаганларимни қайта-қайта сўрагим келаверади, — дейди коллеж ўқувчиси Авазжон Маҳмудов. — Яқинда Япониянинг Осака шаҳрида ўқиб қайтдим. Хорижга чиқиб шуни билдимки, инсон қалбида қачонки она тилига муҳаббат уйғонсагина, ўзлигини англай бошларкан. Эҳтимол, иссиқ маконида билинмас, лекин четдан туриб кузатилса, бегона муҳитда ҳаммаси ўзгаради. Устозим қалбимда миллий ғурурни уйғотганидан ҳамиша миннатдорман.

Таълим-тарбия соҳасида жонбозлик кўрсатаётган ўқитувчи-мураббий меҳнати халқ эътирофида бўлади. Кўп йиллик меҳнати, таълим жараёнларидаги янгича ёндашуви учун Очахон Зокирова «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Бу унда масъулиятни янада кучайтирди. Коллеждаги ўқувчи-қизларнинг ахлоқ-одоби, муомала маданияти билан шуғулланиш, хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифаси Очахон Зокировага юклатилди.

— Коллеж қизлари ўтиш ёшида бўлгани боис қатъий, темир интизом билан эмас, балки самимий, дўстона муносабатда бўлиш лозим. Қизларнинг кийиниш маданияти долзарб масала. Муаммони бартараф этишда бир усул топгандек бўлдим. Дашном бермай, жазоламай, барини мажлислар залига йиғдим-да, тайёрлаб келган «спектакл»имни намойиш қилдим. Қиёсий таққослаш, яъни намунали ўқувчи билан унинг зиддини тасвирлар орқали “сўзлатдим”. Сўнг қандай йўл тутилса, муваффақиятга тезроқ эришиш мумкинлигини уқтирдим, — дейди устоздан педагогик усуллари ҳақида сўраганимизда. — Буни қарангки, шундан сўнг ўзгаришлар бошланди. Мана шу йили республика миқёсида ўтказилган «Ўзбек қизининг кийиниш маданияти» кўрик-танловида ўқувчим Муқаддас Бўронова фаол қатнашиб, фахрли ўринни эгаллади.

Замон ўқитувчи олдига янгича талаблар қўймоқда. У бир вақтнинг ўзида билимдон мутахассис, бир неча тилларда сўзлаша оладиган, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана олишга қодир, изланувчан, янги педтехнологияларни дастуриламал қиладиган инсонга айланиши керак. Очахон Зокирова дарслари давомида педагогик технологияларнинг энг самарали «Юзма-юз» усулини қўллайди. Бунда ҳеч бир ўқувчи назардан четда қолмайди. Икки ўқувчи бир мавзуда юзма-юз туриб савол-жавоб қилади. Мавзулар гуруҳ гуруҳга ажратилиб, баҳс-мунозара тарзида ўрганилади. Адабиёт оламидаги янгиликлар, ғазаллар таҳлили эса дарснинг иккинчи қисмига тегишли.

Одамзод умр йўлларидаги яхши-ёмон кунлар, синовлар «маза»сини тотгач, ўзига хулосалар чиқаради. Кимдир миннатдорлик билан, бошқа биров ўзгача кайфият билан якун сўзини айтади. Кимга қандайлиги яшаб ўтилган умр мазмунига боғлиқ.

— Том маънодаги устозлик мақоми ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Танлов имконияти ҳамиша кўндаланг турган. Пок иймон, сабр-қаноат билан яшаб, қоракўзларга зиё, эзгулик улашиб умргузаронлик қилиш ҳақиқий зиёлининг орзуси. Мен бунга эришдимми ёки йўқ — билмадим. Муҳими, севимли касбим, шогирдларим, билимга чанқоқ ўқувчиларим атрофимда. Тақдир чизиқларим шу йўлга боғланганига шукр қиламан: устозлик мақоми энг катта шараф, — дейди устоз суҳбатимизни якунлар экан.

**Чарос НИЗОМИДДИНОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

# ТЕСТ ТЎПЛАМЛАРИ

## *абитуриентларнинг олий таълим муассасаларига кириши учун пухта тайёрланишига ёрдам бериши керак. Бироқ...*

**Сўнгги йилларда олий таълим муассасаларига кириш учун ўтказилаётган тест синови жараёни ўтказиш тобора такомиллашиб, абитуриентлар билимини ҳар томонлама текшириш орқали улар орасидан энг салоҳиятлиларини олий таълимга саралаб олишнинг қулай воситасига айланиб улгурди. Бу ёшларнинг келгуси ҳаётдаги орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, танлаган касбини мукаммал эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини белгилашига имкон беради. Шундай экан, абитуриентлар учун тайёрланаётган тестлар тўплами мукаммал тузилган бўлиши лозим. Афсуски, айрим китоб ва қўлланмаларда учраб турган хато ва камчиликлар, хусусан, асосий фан йўналиши — она тили ва адабиёт фанига доир тестлар ҳолати, ундаги мураккабликлар ва чалкашликлар киши таъбини хира қилади.**

Айтиш жоизки, мазкур фан юзасидан кириш имтиҳонларига тайёрланиш мақсадида ўқув дарсликларидан ташқари баъзи соҳа мутахассислари томонидан тузилган маъруза матнлари, абитуриентлар учун мўлжалланган тестлар, билимни текширувчи ва мустаҳкамловчи машқлар китоби каби қўлланмалар яратилди ҳамда яратилмоқда. Улар китоб дўконларида, ўқув муассасалари ёнидаги савдо шохобчаларида, йўл бўйларида, ҳатто бозор расталарида хоҳлаганча топилади.

Хўш, айни фан йўналиши бўйича амалда фойдаланилаётган манба, материаллар ва тестларнинг ютуқ ва камчиликлари нималардан иборат? Уларда келтирилган маълумотлар қайси манбалардан олинган, қай биридан фойдаланиш кўпроқ самара беради? Бу каби саволлар, афсуски, ҳали ҳануз очиқ қолаётир.

Кимларнингдир тижорат мақсадида нашр эттирилаётган китоблари абитуриентларга фойда беришдан кўра, уларни хато сари етакламоқда. Улардан баъзиларида тўғри жавоб акс этмаган бўлса, баъзиларида масала мақсади аниқ кўрсатилмаган, айримларида савол грамматик жиҳатдан нотўғри тузилганининг гувоҳи бўласиз. Адабиёт бўйича саволларда ўта кераксизлари ҳам учрайди. Фикримизни амалда энг кўп фойдаланилаётган тест китоблари мисолида далиллайлик. Н.Эркабоева томонидан тузилган уч қисмдан иборат тест китоблари(Эркабоева Н. Ўзбек тили ва адабиётидан саволлар тўплами. I, II, III қисм. Тошкент. "Академнашр", 2014)-ни кўздан кечирсангиз майда саволлар жуда кўплигига амин бўласиз. Балки майда деталларга ҳам эътибор бериш керак-да, дегувчилар топилар, бироқ бу, бизнингча, абитуриентни чалғитишдан бошқа нарса эмас.

*"13. Абдулла Орипов қачон Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланади?*

*Жавоб: 1994 йил".* (Эркабоева Н. Адабиёт фанидан савол-жавоблар тўплами, Тошкент, "Академнашр". 2014. 553-бет).

Ваҳоланки, шоир ва ёзувчилар орасида биринчи бўлиб, мазкур унвон билан А.Орипов 1998 йили тақдирланган. (Қаранг: Аҳмедов С. ва бошқ. Адабиёт. Умумтаълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. Тошкент: "Шарқ", 2011. 154-бет).

Ғафур Ғулом ижодига оид тузилган саволлар ичида қуйидагисига эътибор берайлик:

123. Етим болаларнинг нечтаси ўғил, нечтаси қиз эди?

*Ж.: 1та ўғил, 3та қиз.* (Қаранг: Эркабоева Н. Адабиёт фанидан савол-жавоблар тўплами. Тошкент, "Академнашр", 2014. 419-бет).

Шу пайтга қадар адабиёт юзасидан бундай саволларни учратмаганимиз учунми, бу (ўзбек халқи болажон халқ: кимнингдир 3 қизу 1 ўғли, кимнингдир эса 3 нафар қиз, 3 нафар ўғли бўлиши мумкин) бизга эриш туюлди. Асарда урғу етим болаларнинг жинсига эмас, уларнинг етим қолиб, катта бувилари қўлида тарбияланишларига қаратилган. Савол тузишда эса айни шу жиҳатни эътиборга олиш лозим эди.

Ёки бўлмаса, мавзуга алоқадор тест саволига диққат қилинг:

"Менинг ўғригина болам" ҳикоясида ўғри элликбошига қанча пора бериб рабочийга боришдан қутулади?

*А. 83 сўм Б. 73 сўм С. 82 сўм Д. 81 сўм.*

Бу саволга эътирозимиз шуки, асарда ўғрининг қанча пора билан рабочийликдан қолиши муҳим эмас, балки пора эвазига иш битириб олиши ва ўша замондаги элликбошиларнинг феъл-атворидаги ярамас хулқлар рўйирост талқин этилганлигига эътибор қаратиш лозим.

Тест тузишда керак-нокерак деталга ҳам эътибор бериш, асар мазмунига деярли таъсири бўлмаган жиҳатлардан ҳам савол тузиш ўринли ёки ўринсиз, деб баҳолаш ҳукмингизга ҳавола.

### Tahlil

Яна бир мисол Абдулла Қаҳҳор ижодига доир:

*"106. Қўшниси — бир кампирни чақирди. Кампир беморнинг тўзиган сочларини тузатди, у ёқ, бу ёғини силади, сўнгра..."* Парчанинг давомини топинг.

*Ж: "Ўтириб йиғлади."* (Юқорида кўрсатилган манба: 440-бет). Саволни мантиқий давом эттирувчи жавоб вариантлари тахминан қуйидагича бўлиши мумкин: «Худодан шифо сўраб, дуо қилди», «кўзларига келган ёш томчиларини беморга сездирмай артиб олди», «бир бурчакда ётсираб турган қизига кўзи тушди». Асардан парча олиниши керак экан, деб мантиқан давом эттирилиши мумкин ўринлар танланмаслиги керак. Ўқувчи ўрганилиши керак бўлган бадиий асарни ёки ундан олинган парчани синчковлик билан ўқиши керак, лекин уни бошдан-оёқ ёдлаб олиши шарт (шеърий бўлса-ку бир нави) дегани эмас-ку! Адабий таълим режасига кўра ёд олиниши керак бўлган асарлар рўйхати бекорга тузилмайди.

Яна: "*12. Муқимий саёҳатномада қайси қишлоқда селларда қолиб кетганини айтади?*

*А. Зоҳидон Б. Чимён С. Риштон Д. Водил".* (Қаранг. Эркабоева Н. Ўзбек тили ва адабиётидан саволлар. Т; "Академнашр", 3-қисм. 103-В., 186-бет)

Ушбу саволнинг тўғри жавоб варианти жавобларда акс этмаган. Тўғри жавоб — Олтиариқ бўлиши керак эди. Манбага таянсак:

Олтиариқ қурсин ўшал,  
Селларда қолдим бир маҳал.  
Бўлдим ивиб ёмғирда шал,  
Тўн шилта, ҳўл эзор экан.

(Аҳмедов С. ва бошқ. Адабиёт. 5-синф учун дарслик. Т: "Шарқ", 2011. 121-бет). Лирик қаҳрамоннинг Олтиариққа қилган саёҳатида селга учрагани маълум бўлади.

11. Туроб Тўланинг қайси китоби замондош ўзбек адабиёти ва санъати намояндаларига бағишланган?

*А. "Зулматдан зиё" Б. "Камалак" С. "Нафосат" Д. "Шодлигим"*

(3-қисм, 231-бет). Саволнинг жавоб вариантлари нотўғри тузилган. Сабаби, 6-синф учун яратилган "Адабиёт" дарслигида (С.Аҳмедов ва бошқ.) "Камалак" ва "Нафосат" китоблари ўзбек адабиёти ва санъати намояндаларига бағишлангани қайд этилган.

Бу ҳол она тили фанидан тузилган тест саволлари таркибида ҳам учрайди. Масалан:

"127. *Тонгдаги гўзаллигингни кўз-кўз қилганингда, бахтдан, қувончдан кундан кун мунаввар ой каби тўлиб бораётган жамолингни кўрганимда юрагим яйраб кетади.* Ушбу гапнинг кесими қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. кетади Б. яйраб кетади. С. яйраб кетади, тўлиб бораётган *Д. яйраб кетади, тўлиб бораётган.* (Эркабоева Н., 3-қисм. 42-бет).

Ушбу тестда тўғри жавоб — Б. яйраб кетади. Лекин С ва Д жавобларидаги вариантлар бир хил. Хўп, буни техник хатога йўйсак, галдаги тест саволидаги чалкашликка қандай баҳо бериш мумкин:

Қайси турдаги қўшма олмош таркибида бир хил турдаги олмошлар иштирок этади?

*А. бўлишсизлик олмошлари Б. кўрсатиш олмошлари С. гумон олмошлари Д. белгилаш олмошлари* (Қаранг: Эркабоева Н. Ўзбек тили ва адабиётидан саволлар тўплами. II қисм. Тошкент: "Академнашр", 2014. 95-бет).

Аввало, қўшма олмошларни эсга олайлик. Уларнинг таркибидаги бир хил турдаги, яъни маълум қисми такрорланиб келадиган олмошларни ажратайлик. Бу ҳолат санаб ўтилган барча жавобдаги олмош турларида учрайди. Масалан, бўлишсизлик олмошида *ҳеч ким*, *ҳеч нима*, *ҳеч* қайси, кўрсатиш олмоши таркибида *мана бу*, *мана шу*, гумон олмошида *аллаким, алланима, аллақайси* (лекин булар, қўшма эмас, балки, содда ясама олмошлардир. Манба учун қаранг: Маҳмудов Н. ва бошқ. Она тили. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик. Тошкент, "Маънавият", 2013. 39-бет ). Белгилаш олмошлари таркибида эса *ҳар ким, ҳар нарса, ҳар қаер* кабиларда айни бир қисми такрорланиб келаяпти. Хўш, савол тузувчилар қайси жиҳатни эътиборга олишган? Савол мазмуни ўзгартирилиши (*Қайси турдаги қўшма олмош таркибида бир хил турдаги олмошлар иштирок этмайди,* каби) ёки бўлмаса, *"Жавобларнинг қай бирида фақат содда ясама усулда ҳосил қилинадиган олмош тури номи келтирилган"* каби савол қўйилиши ва бунда тўғри жавоб С деб танланиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Бундай чалкашликлар кўп. Ҳар тўкисда бир айб, деганларидек, камчиликсиз, танқидсиз етук мақсадга эришиб бўлмайди. Мукаммал ва аниқ, тўғри ва тўлиқ тузилган тестларга эҳтиёж юқори. Танқидий фикрларимиздан бошқа муаллифлар ҳам ижобий хулоса чиқариб, зиммасидаги масъулиятни янада кучлироқ англаб етади, деган умиддамиз.

**Шаҳло КАРИМОВА,**
**ЎзРФА Тил ва адабиёт институти мустақил тадқиқотчиси**




**Нукус коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида 384 нафар йигит-қиз сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш, таъмирлаш ва ишлатиш устаси, нефть ва газ қудуқларини синаш техниги, кадастр иши инспектори, тикув ва тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш техник технологи, компьютер ва компьютер тизимларини созлаш ва таъмирлаш техниги йўналишларида таҳсил олмоқда.**

Замонавий жиҳозланган ўқув-машғулот хоналари, спорт зали, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминланган ахборот-ресурс маркази ёшлар ихтиёрида. Қатор фан тўгараклари, спорт секциялари ишлаб турибди.

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**



*Германияда яшайдиган дугонам Ўзбекистонга иш юзасидан келаётганини, мен билан ҳам учрашиш ниятида эканини айтиб қолди. Қувончим ичимга сиғмай кетди. Холамнинг туғилган кунига бирга олиб борамиз, дея отаонамга шипшитиб қўйдим.*

*Уй тўла меҳмон. Айниқса, аёллар тавозени жой-жойига қўймоқда. Атрофда "Яхшимисиз?", "Яхши юрибсизми?", "Уйдагилар яхшими?", "Раҳмат, шукр, тинчмиз", "Болаларни ҳам олиб келмабсизлар?" деган мулозаматлар қулоққа чалинади. Бир четда ўтирган Мара мендан нима ҳақда гап кетаётганини қизиқиб сўради. Бу одат ўзбек халқининг қон-қонига сингган меҳмондўстликнинг оддий кўриниши эканини тушунтирдим.*



# МЕҲМОН КЕЛАР ЭШИКДАН...



ЎзА суратлари.

— Биз меҳмондан яқин кишилари, қариндош-уруғларининг аҳволини бирма-бир суриштирамиз. Таомил шундоқ.

— Унда холанг билан бўлган суҳбатимизда қовун туширибман-да, ҳамма саволларига "билмайман" деб жавоб берибман, — деб кулиб юборди дугонам.

У ўз ватанида меҳмон кутиш умуман бошқачалигини айтди: меҳмондан суҳбат давомида ҳол-аҳвол сўралиб, фақат мезбон таниган инсонлар эсга олинар экан. Маранинг гапларига қулоқ солиб, бир танишим айтиб берган воқеа эсимга тушди. У Германияга борганида бир аёл уни "чой"га таклиф қилибди. У меҳмонхонадаги зиёфатни рад этиб, меҳмонга отланибди. Буни қарангки, ҳамма нарсада "пунктуал" бўлган немисларнинг ўзига яраша одати бор экан: чойми — чой, таомдан дарак йўқ...

Халқимиз миллий урф-одатларимиз — меҳмондўстлигимиз билан дунёга танилган. Илгари аёлларнинг узундан-узоқ ҳол-аҳвол сўрашишлари ғалати туюларди. Энди ўзим ҳам шундайман. Илиқ муҳитни яратиш учун "ўзбекча сўрашиш" қўл келиши шубҳасиз.

**Очиқ юз — ошдан ширин**

Меҳмон келган кунда дастурхонимиз ҳар хил ноз-неъматлар билан тўкин қилинади. Ўзбек энг сара таомларни ўзига эмас, меҳмонга илинади. Айтингчи, бундай хислат қайси халқда бор? Эсимда, ота-онам ўзаро аразлашиб қолишса, маълум муддат гаплашмай юришарди. Биз болалар эса уларнинг орасидан ўтган «ола мушук»ка термулганимизча иккисининг кўнглини топишга уринганимиз уринган эди. Шу вазиятда уйимизга меҳмон келиб қолса, ота-онамнинг гап-сўзларида илиқлик пайдо бўларди. Қаранг-а, меҳмоннинг яна бир ажиб хислати — "дока рўмол"ни тезда қуритиб қўярди.

Бувимдан бир ривоятни эшитганим бор:

Чекка қишлоқда очиққўнгил инсон истиқомат қилар, уйига келган ҳар кишининг ҳожатини чиқарар экан. Бир куни яқин кишилари меҳмон бўлиб келишибди. Мезбон уйидаги бор-йўғини дастурхонга қўйибди. Хаёлига ертўлада сақланаётган тарвуз келибди-да, хотинига имо қилибди. Хотини тарвузни олиб чиқиб, эрининг олдига қўйибди. Бироқ у меҳмонлар учун энг катта ва яхши пишиб етилган тарвуздан олиб чиқишини тайинлаб, аёлини қайтариб юборибди. Кейинги галги тарвуз чиндан бошқача экан, пичоқ тегар-тегмасдан «тарс» этиб ёрилибди. Қанду асал эмиш.

Бувим ҳикояси якунида аслида ертўлада битта тарвуз бўлганини айтиб, ривоятдан тегишли хулоса чиқаришга ундаган. Ривоят ҳаётда менга қўл келган пайтлар бўлди. Кутилмаганда бизни яқин кишиларимиз йўқлаб келишади. Рўзғор ҳамиша ҳам бадастир эмас, лекин ноқулай ҳолатдан чиқиш учун меҳмон ривоятдаги сингари битта тарвуздан эмас, очиқ чеҳрадан, сиз дастурхонга тортган таомдан эмас, сизнинг очиқ чеҳралигингиздан баҳраманд бўлади.

**Иззати неча кун?**

— Қизингни ўзинг шунақа тарбияладинг. Болалигидан уйга келган меҳмонни ёмон кўрсатгансан. Мана, эшик тақиллатиб келган совчиларни ҳам хушламаяпти.

— Қандоқ қилай, опа?! Шаҳарга кўчиб келганимиздан кейин таниган ҳам, танимаган ҳам "опажон" дея кириб келарди. Айримлари ҳафталаб қолиб, ҳаловатимизни бузган, уч кундан сўнг меҳмоннинг иззати тугайди, ахир! Эҳтимол, ўша пайтдаги ҳолатимни қизим ҳам кузатгандир.

Дугонам Саиданинг онаси — Азиза холам ва опасингиллари ўртасидаги суҳбат инсонни мулоҳазага чорлаши аниқ. Бундай вазиятда «Меҳмон отангдай улуғ», "Меҳмоннинг олдида мушугингни ҳам пишт дема» каби пурмаъно фикрлар беихтиёр ёдга тушади. Меҳмон мезбондан норози бўлиб чиқиб кетмасин. Меҳмон қандайдир ўхшамайдиган иш қилса ҳам, айбга буюрилмайди. Аммо мезбоннинг хатоси кечирилмайди. Меҳмон уч кунлик, ундан кўпи уй эгасига малоллик туғдиради. Аслини олганда мезбонликнинг ҳам, меҳмонликнинг ҳам ўзига яраша масъулияти бор. Яъни, келган меҳмон ҳам иложи борича мезбон хонадонида илиқ таассурот уйғотишга ҳаракат қилиши, ўзининг одоб-ахлоқини намойиш этиши, қўлидан келадиган ёрдамини уй эгаларидан дариғ тутмаслиги лозим. Агар бирор хонадонга келиб-кетувчилар кўп бўлса, меҳмон келмасидан олдин унга ётиғи билан бугун вақти йўқлиги, бошқа сафар меҳмон қилишини айтиб, узр сўраши мақсадга мувофиқдир. Кўпчилик бундай вазиятда бироз истиҳола қилади ва режалаштириб қўйган ишларини ортга суриб, нохуш кайфиятда меҳмон кутиб олади.

— Оилада аёл кишининг ҳунари бўлса, рўзғорнинг кам-кўстига фойдаси тегади, — дейди Ақида Шоносирова. — Бўш вақтимда маҳалламиздаги қизларга тикувчилик сир-асрорларини ўргатмоқдаман. Буюртма асосида ишлаганимиз учун ҳам ишларимни режа асосида бажаришга одатландим. Бошқаларнинг ҳам вақти тиғиз эканлигини ҳисобга олиб, мезбоннинг бўш пайтини олдиндан келишиб олиш тарафдориман. Шундай қилинса, у сизнинг келишингизга алоҳида тайёргарлик кўради, иззат билан кузатиласиз.

**Kuzatuv**

Агар аксинча бўлса, ноқулай ҳолатда қолиш ва меҳмон ҳам хижолат бўлиб уйига кетиши ҳеч гап эмас.

**Мезбонни хижолатга қўйманг!**

Иш юзасидан Жиззах вилоятининг Бахмал туманида бўлдик. Ташкилотчилар бизни меҳмон қилиш учун хонадонлардан бирида дастурхон тузаттиришди. Дастурхон Жиззах вилоятининг ўзига хос миллий таомлари, сархил мевалар, иштаҳаочар ширинликлар билан тўла. Айниқса, Жиззах нонининг таъми ўзгача, меҳмонлар бири олиб, бири қўйиб мақтаб ейишди.

Ҳамроҳларимиздан бири хонадон эгасига юзланиб: "Нон жуда ширин экан, иккитадан нон олиб кетсак бўлар экан-да", деди. Бир четда вазиятни кузатиб туриб ташкилотчилар ҳам, хонадон эгаси ҳам нима дейишини билмай, ноқулай вазиятга тушиб қолганини тушундим. Мезбон ўғлига қарата: "Ғизиллаб дўконга бориб кел, ўғлим. Пулини кечга етказамиз!» деди. Нон олиб келингач, сафар халталарга жойланди. Менга теккан нонни шеригимга таклиф қилдим. У ўзиникини ҳам қўшиб, хонадон эгасига миннатдорлик билдириб қайтариб берди. Ҳамроҳим хомуш ҳолда "Меҳмон бўлиш этикасига умуман риоя қилмадик, уларга жуда малоллик туғдирдик-да», деди. Меҳмон кутиш ва меҳмонга бориш — нозик масала, унинг ҳар бир киши билиши керак бўлган, ёзилмаган қоидалари бор. Бунга амал қилиш фаросатдан дарак беради.

**Уйимиз тор бўлса ҳам, бағримиз кенг**

Шукур Холмирзаевнинг "Ўзбеклар" ҳикоясида халқимизга хос чинакам меҳмоннавозликнинг, инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳурматнинг гувоҳи бўламиз. Бирор ўзбек хонадони йўққи, меҳмонни хурсандчилик билан кутиб олмаган, уйидаги бор неъматларни дастурхонга қўймаган бўлса. Меҳмонни кузатиш, манзилига етиб олгандан сўнг ундан ҳол-аҳвол сўраб қўйишдек удумимиз ҳам бор.

Дугонам Германияга учиб кетар чоғида қўнғироқ қилдим. Мара хурсанд, унга телефон орқали бир шеърни ўқиб бердим:

***Хонамиз дўстлар оёғидин топар нури зиё,***
***Уй — фонус, меҳмон шамъу мен***
***эсам парвонамен.***

***Меҳмон ҳар қанча турса, хизматин айлай бажо,***
***Кетса меҳмон мен мисоли мажнуни девонамен.***

**Ҳамида УСМОНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# ОРХИДЕЯ — ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИ МАЛИКАСИ



**Табиат ўз гўзаллиги ва яратиқлари билан одамзотни ҳамиша ҳайратлантириб, атроф-оламга нисбатан қизиқиш, меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотиб келган. Айниқса, мафтункор гуллар олами жозибаси, бир вақтнинг ўзида, турли ажойиботларга бойлиги билан бу ҳайратни чандон оширади. Флора оламида орхидея гули гўзаллик, нозиклик ва нафосат рамзи сифатида алоҳида ардоқланади. Машҳур ботаник Чарлз Дарвин орхидеяни ўсимликлар оламининг маликаси, дея таърифлаган. “Мен орхидеяларчалик ҳали бирор ўсимлик билан бунчалик қизиқмаганман”, деб ёзиб қолдирган олим ўз кундаликларида. Ижодкорлар Герберт Уэллс ва Александр Гумболд эса бу нафис гулдан илҳомланиб, унга бағишлаб нодир асарлар яратган.**







“Орхидея” грекча “орхис” сўзидан олинган бўлиб, “тухумча” деган маънони англатади. Ўсимлик илдизпояси туфайли шундай номланади. Орхидеялар жуда нозик экзотик гуллар сирасига киради. Табиатда орхидеялар оиласига мансуб гулларнинг 30 мингдан ортиқ турини учратиш мумкин. Бундай гуллар Антарктидадан бошқа барча қитъаларда ўсади. Нафақат нам ўрмонлар, балки иссиқ саванна ва саҳроларда, Шимолий Сибирда ҳам учрайди. Қурғоқчил кенгликларда эса орхидея эпифит ҳолда кўп йиллик ўсимликлар танасида ўсади.

Орхидеялар оиласини узоқ йил тадқиқ этган америкалик олим Р.Дресслор “Бу гул чангланишидаги ўзига хослик билан бошқа ўсимликлардан ажралиб туради. Ҳашаротларни айёрона усуллар билан ўзига жалб этади: хуш бўйи, ҳашаротлар учун зарур гормонларни ишлаб чиқариши ёки уларнинг жуфтларига ўхшаш шаклга кира олиши билан эътиборни тортади.

Орхидеянинг жуда кўплаб турлари сунъий чанглантириш йўли билан кўпайтирилган. Бу иш илк бор 1856 йили олим Жон Домини томонидан амалга оширилган бўлса, 2000 йилга келиб гибрид орхидеялар тури 250000тага етди.

## ТАБИАТНИНГ ЎЗИ БУЮК МУСАВВИР

Одатда гулларни ранги, ҳиди ва гўзаллиги учун яхши кўрамиз. Орхидея ҳам айни шу талабларга жавоб беради. Бироқ уларнинг кўплаб ўзига



хос жиҳатлари бор. Масалан, “Учаётган ўрдакча” (лотинча “Caleana major”) тури, ҳақиқатан ҳам, парвоз қилаётган ўрдакчаларни эслатади. Австралияни макон тутган “ўрдакчалар”нинг катталиги бор-йўғи 1,5-2 сантиметрни ташкил этади. Қизилжигарранг ёки тўқ бинафшаранг кўринишдаги гуллар сентябрдан январгача очилиб туради.

Лотинча номи “Psychotria Elata” бўлган яна бир орхидея тури эса инсон лабларига айнан ўхшаш. Ёрқин қизил рангдаги бу гул тури Колумбия, Коста-Рика ва Панамадаги тропик ўрмонларда ўсади. Аммо сўнгги вақтларда ўрмонларнинг оммавий тарзда кесилиши уларни йўқолиб кетиш остонасига келтириб қўйди.

1837 йилдан буён илм-фан оламига маълуму машҳур бўлган яна бир ғаройиб орхидея — «Pecteilis radiata»ни кўрган одам парвоз қилаётган оппоқ қушни ёдга олади. Ҳа, у икки қанотини кенг ёйганча парвозга шайланган кабутарни эслатади. Моҳир ҳайкалтарош бўлмиш она табиат гулга қушнинг тумшуғи, қанотлари, боринги, бутун танасини жо қилган. Ёз ойларида Узоқ Шарқдаги ўрмон майсазорларида митти оқ қушчаларнинг “парвози”га гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Англия, Ирландия ва Уэлсда гули арига ўхшайдиган ажойиб орхидея ҳам ўсади. У «Ари Орхидея» (фанда Oprys apifera) деб аталиб, ариларни ўзига жалб қилиш мақсадида шундай шаклда гуллайди. Арилар эса унинг бу макрига ишониб, унга қўнади ва чангларини бошқа ерларга тарқатишга кўмаклашади. Шунингдек, дунёнинг турли минтақаларида орхидеяларнинг рақс тушаётган балерина, маймун (Dracula Simia), йўлбарс, бош чаноғи (Antirrhinum), тўтиқуш (Impatiens Psittacina), йўргакланган чақалоқ (Anguloa Uniflora) сингари хилма-хил, ғаройиб турларини учратиш мумкин.

Дунёдаги энг улкан орхидея эса «Grammatophylum» бўлиб, Янги Гвинеяда учрайди. Унинг баландлиги 8 метргача етади. “National Geographic”нинг тасдиқлашича, дунёдаги энг митти орхидея 2009 йили аниқланган. Унинг баландлиги атиги 2 мм.ни ташкил этади, гуллари шаффоф ёрқин рангда товланади. Биологларнинг фикрича, орхидеяларнинг яна 5 мингдан ортиқ илм-фанга номаълум турлари ҳали кашф этилмаган. Кўплаб саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, 2013 йили олимлар орхидеяларнинг Куба оролида ер юзида жуда танқис бўлган икки янги турини аниқлашди. Олимлар уларни “Tetramicra riparia” ва “Encuclia navarroi” деб номлашди. Биринчисининг гуллари митти оппоқ гулбарглардан иборат. Иккинчи турдаги орхидея эса оролнинг ғарбий қисмида топилган. Гулбарглар ёрқин бинафшаранг бўлиб, 7 сантиметр келадиган гул новдасида 20 га яқин майда гулчалар бўртиб чиққан.

## САЛОМАТЛИККА ИЖОБИЙ ТАЪСИРИ БОР

Бу гуллардан қадимда ҳам тиббий мақсадларда фойдаланилган. Орхидеянинг шифобахш хусусиятларидан бохабар бўлган Марказий Америкада истиқомат қилган ацтеклар ундан хушбўй доривор ичимлик тайёрлашган. Бугунги кунда эса мазкур ўсимлик инсоннинг физиологик ва руҳий саломатлигига ижобий таъсир этиб, организмдаги оғир хасталикларни аста-секинлик билан даволаш хусусиятига эга эканлиги барчага маълум. Шу боис улардан замонавий тиббиётда самарали фойдаланиш йўлга қўйилган. Фармацевтика саноатида эса орхидеялардан иммунитетни кўтарувчи ва шамоллашга қарши дармондори тайёрланади.

Психолог-шифокорлар депрессия ва тушкунликка мойил кишилар орхидея етиштиришлари кераклигини таъкидлашади. Бу гуллар туфайли уларнинг саломатлиги ижобий томонга ўзгариб, уларда ўзига нисбатан ишонч ҳисси уйғонади. Орхидеялар бор хонадонда куч-қувват, романтик ҳиссиёт, хуллас, илиқ муҳит ҳукмрон бўлади. Унинг пушти, мовий, қизил, сариқ каби турлитуман ранглари кишининг баҳри дилини очади, унга хуш кайфият улашади. Оқ орхидеялар инсонга ижодга нисбатан рағбат ва ҳаракат ҳиссини улашса, сариқ орхидея қуёш каби қалбингизни илитади, ҳар бир бажараётган ишга нисбатан масъулият ва мулоҳаза билан ёндашишингизга ёрдам беради. Қизил орхидея дангасa кишилар учун жуда фойдали, чунки у инсонни ортга бир қур назар ташлаб, яна келажак режалар томон олға ҳаракатланишга ундайди. Пуштиранг орхидея эса ижобий ҳиссиётларни чақириб, ижод ва ҳаётга нисбатан чексиз муҳаббат уйғотиб, инсонни ўтаётган қимматли вақтини беҳуда ишларга сарфламасликка чақиради.

Шунингдек, орхидеяларнинг катлей, дендробиум, фаленопсис каби турлари таркибида кўп миқдорда крахмал бўлиб, улардан хушбўй ва доривор модда олинади. Доривор ваниль (хуш бўй берувчи зиравор) эса “Vanilla planifolia” номли орхидея меваларидан тайёрланади. Бугун ўсимликнинг асл ватани бўлган Мадагаскар ороли ваниль дори воситасини ишлаб чиқарувчи марказлардан бирига айланган.

## УЙ ШАРОИТИДА ОРХИДЕЯНИ ПАРВАРИШЛАШ

— Орхидеяларга “гуллар маликаси” деган таъриф бежиз берилмаган. Гул ўзининг табиий ранги, шакли билан бошқа ўсимликлардан фарқ қилади. Гўзалликда тенгсиз гулларни



Ўзбекистон шароитида табиий усулда етиштириш бироз мушкул. Сабаби, бизда ёз жуда иссиқ, қишда эса ҳаво ҳарорати кескин пасайиб кетади. Орхидеялар эса бундай шароит ва муҳитга мослаша олмайди ва тез нобуд бўлади. Табиатан жуда нозик ва ўжар орхидеяларни парваришлашда хонадонда алоҳида шароит ва тоза муҳит талаб этилади. Орхидеяларнинг айрим турлари унчалик инжиқ эмас. Уй шароитида орхидеяларнинг муҳит танламайдиган, яшовчан турларини етиштиришни тавсия этамиз. Экзотик гул юмшоқ жойни, таркибида туз ва хлор миқдори кам бўлган сувни яхши кўради. Орхидеянинг айрим турлари тунда ўзидан ёруғлик чиқаришдек ғайриоддий хусусиятга ҳам эга. Шу боис ҳашаротлар уларни тез илғайди ва тугунчасига қуниб чанглатади. Орхидея нектари хуштаъм бўлиб, ўзидан ёқимли ифор таратади. Экзотик ўсимликнинг ҳар бир тури турлича шароит ва муҳитга мослашган. Масалан, Диза ёзда қуёшда турса, баҳорга келиб жуда чиройли гуллайди. Бульба эса намликни яхши кўтаради. Геоцид орхидея эса ҳар қандай шароитга мослашиб, ўсиб кета олади,— дейди Республика ботаника боғи гулшуноси Надежда Кармишина.

Бу маълумотларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, гулни парваришлашдан олдин унинг қайси тур ва навга мансублиги, қандай муҳитда ўсганини ҳисобга олиш керак. Орхидеяларни парваришлашда унинг ҳаво намлиги ва ёруғликка таъсирчанлигини билиш аҳамиятли. Гулнинг илдизлари узоқ вақт намликни ўзида сақлаб туриш хусусиятига эга. Шу боис сувни кўпам ёқтиравермайди.

Уларни уруғидан ёки сунъий усулда кўпайтириш мумкин. Бунинг учун гул новдасини илдизи билан иккига ажратиб олиб, бошқа бир тувакка ўтказилади. Одатда орхидеянинг гулбаргларига илиқ сув пуркаб турилади. Гулнинг тувакдан чиқиб турган илдизлари ҳам енгил сув сепиш усулида намлантирилади. Хона ҳарорати мўътадил бўлиши, тез-тез шамоллатиб, ҳавоси алмаштириб турилиши лозим. Ёзда ўсимликни тоза ҳавога олиб чиқиш мумкин. Ўсимликнинг тайёр озуқа қоришмаси торф, қирққулоқнинг майдаланган илдизлари, дарахтнинг тўкилган барглари, ёғоч кўмир, қарағай илдизидан тайёрланади. Бундай аралашмаларни махсус гул дўконларидан харид қилиш мумкин. Меҳр билан парвариш қилинган орхидея ярим йил давомида гуллаб, баҳри дилингизни очади, йил давомида хуш кайфиятда юришингизга ёрдам беради.

Бир сўз билан айтганда, гуллар инсон баҳри дилини очувчи табиатнинг ажиб бир мўъжизаси. Уларни кўриб кўзинг қувнайди, ҳаётнинг ўткинчи ғамташвишларини бир лаҳза бўлса-да унутасиз. Гуллар ҳам инсон тафти, меҳр-муҳаббатини ҳис этади. Шундай экан, уларни меҳр билан парваришланг, муҳаббатингизни дариғ тутманг!

**Шаҳноза НАБИЕВА,**
**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти 1-босқич талабаси**




## АНТАРКТИДАДА БАЛИҚЛАР НЕГА МУЗЛАМАЙДИ?

***Мак-Мердо бўғози ва Антарктида теварагида яшовчи балиқлар паст ҳароратда ҳам жон сақлай олади. Улар бундай хусусиятга танасидаги табиий антифриз вазифасини бажарувчи оқсиллар ёрдамида эришган. Қизиқарлиси, балиқ танасидаги муз кристаллари таркибида учровчи ушбу оқсиллар уларни буткул музлаб қолишидан ҳам, эриб кетишидан ҳам ҳимоялар экан.***



“The New York Times” нашрида ёзилишича, Орегона университети (АҚШ) олимлари томонидан совуқ минтақаларда ҳаёт кечирувчи олабуғасимон нототенид (лот. Notothenioidei) балиқлари танасидаги муз кристаллари таркибида учровчи махсус антифриз оқсиллар ҳарорат исигандан кейин ҳам сақланиб қолиши аниқланди.

Балиқлар танасидаги ҳароратга оид маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Мак-Мердо бўғозида балиқлар организмидаги музларни эритиш учун етарлича иссиқлик мавжуд эмас. Шу боис улар танасида аста-секинлик билан муз кристаллари тўпланиб боради. Оқсиллар эса, ўз навбатида, шундай ҳароратда ҳам жониворларнинг ҳаёт кечиришини таъминлайди.

## ТЎҒРИСЎЗЛИК — ЎЗИГА ИШОНЧ ГАРОВИ

***АҚШдаги Нотрдам университетининг бир гуруҳ психологлари инсон қанча тўғрисўз бўлса, унинг кайфияти шунча яхшиланишини аниқлашди. Мазкур тадқиқот ишига турли ёшдаги, ҳар хил ижтимоий гуруҳларга мансуб кўнгиллилар жалб этилди.***



Тажриба қатнашчилари дастлаб икки гуруҳга ажратилди. Уларнинг бирига ўн кун давомида ўзи ва атрофидагилар тўғрисида бирорта ҳам ёлғон қўшмасдан гапириш сўралди. Иккинчи гуруҳ аъзолари эса, аксинча, фақат ёлғон сўзлашди. Бу вақт мобайнида барча иштирокчилар нутқи ёлғонни аниқловчи детектор орқали кузатиб борилди. Шу билан бирга, мутахассислар тажриба қатнашчиларининг ўзини қандай ҳис этиши ҳамда организмида рўй бераётган ҳар қандай ўзгаришларни доимий кузатишди.

Якунда маълум бўлишича, тўғрисўзлик инсоннинг ўзига ишончини мустаҳкамлар экан. Шунингдек, бундай кишилар янги дўстлар билан осон муносабат ўрнатиб, мулоқот вақтида ўзини эркинроқ ҳис этиши маълум бўлди. Ушбу тажриба орқали мутахассислар мулоқот давомида тўғрисўзликнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини яна бир бор исботлашди. Айниқса, шифокор қабулида фақат тўғри сўзлаш касталикка тўғри ташхис қўйиш ҳамда тезроқ даво топишга ёрдам бериши таъкидланди.

## ЯНГИ ЭГИЛУВЧАН БАТАРЕЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ

***Кореялик муҳандислар томонидан қоғоз ва углерод наноқувурчалари ёрдамида янги турдаги эгилувчан батарея лойиҳаси тақдим этилди. Ушбу технология дастлаб ёғочдан ишлаб чиқарилган эди.***

Улсан фан ва технологиялар миллий институти (UNIST) мутахассислари тақдим этаётган мазкур ишланма келгусида йиғилувчи ёки эгилувчи электрон қурилмаларда муваффақиятли қўлланилиши кутилмоқда.

Катта босим остида ёғоч целлюлозасидан керакли маҳсулотни яратиш жараёни (гомогенизация) натижасида тадқиқотчилар диаметри бир неча нанометр, узунлиги эса бир неча микрометрга тенг махсус толани ажратиб олишди. Шундан сўнг мазкур ҳосила вакуумли фильтрлаш усули ёрдамида яна қайта ишланиб, махсус наноцеллюлоз қоғозга айлантирилди.



Олинган маҳсулотнинг бир томонига углерод наноқувурчалари ҳамда одатий батареяларда қўлланилувчи литий-фосфат-темирли катод ҳамда литий-титан оксидидан иборат анодли эритма (суспензия) қатлами қопланди. Навбатдаги босқичда эса электрод қатлам ёпиштирилган қоғоз бўлаги электролитга ботириб олинади ва пластик қатламга чоп этилади.

Янги эгилувчан батареянинг қалинлиги 110 микрометрга тенг бўлиб, одатий литийли батареяларга қараганда тўрт баробар тезроқ қувватланади. Унинг самарадорлиги ҳам бошқа анъанавий батареяларга қараганда тўрт марта ортиқроқ экани таъкидланмоқда. Шунингдек, бошқа турдаги эгилувчан батареялардек самарадорлигини йўқотмайди.

## БИРИНЧИ ТААССУРОТ — МУҲИМ

***Мельбурн университети(Австралия)нинг Стефан Боде бошчилигидаги олимлари электроэнцефалография усули ёрдамида турли фотосуратларни томоша қилаётган кишиларнинг бош миясида рўй берувчи электр фаоллиги кузатиб, бирор буюм ёки шахс ҳақидаги илк таассуротлар қай тарзда пайдо бўлишини ўрганишди. Тажриба якунлари “PLoS One” илмий нашрида эълон қилинди.***



Таъкидланишича, тажриба вақтида қатнашчиларга таомлар, ҳаётий лавҳалар, автомобиль, пул сингари рамзлар намойиш этилди. Электроэнцефалограмма тасвирлари ўрганилгандан сўнг уларга худди ўша тасвирлар қайта кўрсатилиб, ҳар бир сурат бўйича алоҳида саволлар берилди. Масалан, суратдан қандай таассурот олдингиз, бу ҳақда нималарни ўйладингиз, сингари.

Маълум бўлишича, фотосуратларни томоша қилишда дастлаб бош мияда томошабиннинг онгли иштирокисиз хулоса чиқариш жараёни рўй беради. Яъни, кузатувлар вақтида миянинг фаоллиги иштирокчи сурат ҳақида якуний хулосасини баён этишдан анча аввал қайд этилди.

Тадқиқот хулосалари ахборотлар гирдобида яшаётган инсон бош миясида рўй берувчи импульс ўзгаришларини янада аниқроқ ўрганиш имконини беради. Шунингдек, келажак ҳақида фикр юритишга ундовчи тасвирларни намойиш этиш орқали кишиларни келгусидаги режаларни тузишга ундаш мумкин.

**Санжар РУСТАМОВ тайёрлади.**

## JUMLADA JAHON

yangiliklari © xabarlari

*“New Straits Times” нашрининг хабар беришича, Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳридаги тураржой мажмуаси олдида юз берган портлаш оқибатида бир киши ҳалок бўлган, 14 киши тан жароҳати олган, шунингдек, яқин орада тўхтаб турган автомобиль ичидан ҳаракатга келтирилмаган яна бир портловчи қурилма топилган.*

***«Reuters» ахборот агентлигининг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига асосланиб хабар беришича, «Эбола» вируси оқибатида 3900га яқин инсон ҳаётдан кўз юмган, шунингдек, 8033 одамнинг ушбу касаллик билан зарарлангани аниқланган.***

*АҚШнинг Делавер штатидаги Селбивиль шаҳрида болалар боғчасига 249та халтачадаги героин гиёҳвандлик моддасини олиб бориб, ширинлик деб ўйлаб тенгдошлари билан бўлишган 4 ёшли қизчанинг онасига гиёҳванд моддаларни сақлаш ҳамда ёш болалар соғлиғига хавф солиш бўйича айб қўйилиб, унинг 11, 9 ва 4 ёшли уч фарзанди билан кўришиши тақиқланган.*

***«Fox News» телеканалининг хабар беришича, АҚШнинг Калифорния штатидаги Йосемити миллий боғи яқинидаги 52 гектарлик ўрмон ҳудудида содир бўлган ёнғинни ўчириш учун юборилган самолёт ҳалокатга учраган, учувчининг тақдири номаълумлигича қолмоқда.***

*Шу йил ҳисобида Тинч океанида ўн саккизинчи бор юзага келган ва “Фанфон” деб номланган тўфон Япония жанубидаги Кюсю ороли ва Амами архипелагида жойлашган 22 мингдан зиёд тураржой биноларининг шикастланиши, бир кишининг жароҳат олиши, яна бир инсоннинг бедарак йўқолишига сабаб бўлган.*

# ОСУДА ҲАЁТНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Агар ёнғин ўз вақтида бартараф этилганида, 6 ёшли Ботиржон бевақт оламдан ўтмаган бўларди. Агар Ботиржон гугурт чақиб ўйнамаганида, ёнғин содир бўлмас эди. Унинг ота-онаси Ботиржонга гугурт билан ўйнаш жуда хавфли эканини тушунтирганида, ёнғин умуман келиб чиқмаган бўлар эди...

Бундай бахтсиз воқеалар ҳаётда рўй бериб туради. Одамларга шу каби фалокатлар тафсилотини сўзлаб берсангиз, гўёки уларга алоқаси йўқдек қабул қилишади. Аммо...

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш аввало ҳар бир инсон, унинг яқинларининг ўз тақдири, қолаверса, бебаҳо бойлик ҳисобланмиш ҳаётини сақлаб қолиш демакдир. Шундай экан, кутилмаганда содир бўлиб, бир олам ташвиш келтирувчи балодан эҳтиёт бўлиш, бунинг учун эса лоқайдлик, эътиборсизлик сингари иллатларни бартараф этиш ҳар бирimizнинг инсоний бурчимиз. Зеро, ҳар кунингиз тинч ва осуда ўтиши, аввало, ўзингиз, яқинларингиз, қолаверса, жамиятга ҳам фойдали.

**Р.ҲИКМАТОВ,**
**11-ҲЁХ алоҳида пости бошлиғи, капитан**

«EAST SUPER PLAST» МЧЖ ўз низом жамғармасининг 1.293.852.389 сўм 90 тийиндан 149.914.896 сўмга камаяётганини маълум қилади. ИНН 201038095. Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, “Эркин”, ҚФЙ, М-39 йўл бўйида. Тел. (+99890) 979-23-04. (+99898) 124-11-05.

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

2014-yil 11-oktabr, № 82 (8731)

2014-yil — Sog'lom bola yili

# ЯССИОЁҚЛИК КАСАЛЛИКМИ?

***Қўшним шифокор эмас. Лекин турмуш ўртоғи билан икки қиз ва бир ўғилни вояга етказган. Демак, ҳаётий тажрибага эга.***

***— Келин, Набижонни бир шифокорга кўрсатсангиз бўларди, — деди чопқиллаб кўчада ўйнаб юрган ўғлимдан кўзини узмай. — Яссиоёққа ўхшаяпти, кейинчалик қийналиб қолади. Яна хўжайинингиз билан маслаҳатлашинг.***

***Гўдаклик вақтидан доим фарзандимнинг юриш-туриши, саломатлигини "назорат" қилиб турадиган бу амакининг гапида жон борга ўхшайди...***

— Бугунги кунда болаларда яссиоёқликнинг олдини олиш учун кўпгина профилактика ишлари амалга оширилаяпти, — дейди **Республика травматология ва ортопедия илмий текшириш институтининг болалар ортопедияси бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Аҳрорбек Жўраев.** — Шундай бўлса-да, айрим ота-оналар ҳатто фарзандида яссиоёқлик аломатларини сезса ҳам, шифокорларга камдан-кам мурожаат этишади. Бу касалликка оддий назар билан қарашади. Гўёки яссиоёқлик унчалик аҳамиятга эга эмасдай, аммо бундай хотиржамликни ижобий ҳолат, деб бўлмайди. Шу маънода бўлимимиз ходимлари ота-оналар ўртасида доимий тушунтириш ишларини олиб боришади. Долзарб мавзуларда илмий изланишлар қилишаяпти.

**— Хўш, бу касалликнинг асл сабаблари нимада?**

— Бу касаллик туғма бўлиши, шунингдек, рахит, жароҳатдан кейин ва суякнинг туғма аномалиялари оқибатида юзага келиши мумкин. Буларнинг ичида энг кўп учрайдигани туғма яссиоёқликдир. Аслида болаларда 4-5 ёшгача оёқ панжасининг гумбази ташқаридан қараганда ясси ҳолатда кўринади. Биз буни физиологик яссиоёқлик деб атаймиз. Бундай дейишимизга сабаб оёқ панжасининг гумбази тагида тери ости ёғ қавати яхши ривожланган бўлади. Бола юришни бошлаган даврда гавдасини тутиб туриши, юриши осон бўлиши учун, табиатан шундай яратилган. Аслида бу яссиоёқлик эмас. Ҳақиқий яссиоёқлик 4-5 ёшга тўлгандан кейин билинади. Ҳозир болаларда 4-5 ёшга тўлгунига қадар ҳақиқий ёки ёлғон яссиоёқлик мавжудлигини аниқлаш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада янги даволаш-текшириш усулларини қўллаяпмиз. Яъни, диагностика такомиллаштирилмоқда. Масалан, боланинг оёғи рақамли рентген аппаратида рентген қилиниб, оёқ панжасидаги суяклар ҳолати ўрганилади. Сўнгра компьютер томографияси усули билан текширилади ва оёқ панжаларининг ўзаро мутаносиблиги ўрганилади. Ушбу усул натижаларини бир-бирига солиштириб, хулоса чиқарамиз. Яссиоёқлик аниқланган ҳолатда даволаш ишларини бошлаймиз. Даволаш қанчалик эрта бошланса, натижаси ҳам шунчалик яхши бўлади. Агар бундай текширувлар пайти ҳақиқий яссиоёқлик аниқланмаса, лекин ташқи кўринишида яссиоёқлик белгилари бўлса, болалар ҳар уч ойда институт поликлиникасига келиб диспансер кузатувида бўлади.

Иккинчи йўналишда олиб борилаётган илмий изланишимиз мактабгача ёшда бўлган **болаларнинг оёқ панжасида болдир товон бўғимини ташкил қилишдаги асосий суяклардан бири ҳисобланувчи ошиқ суяги** муаммоларидир. Нормал ошиқ суяги оёқ панжасида горизонтал ҳолатда бўлади. Лекин яссиоёқликда ёки ундан ҳам оғирроғи — ясси валгус ошиқ суяги вертикал ҳолатда жойлашади. Бу ҳолат вертикал таран деб аталади. Бу ном шу ошиқ(симон) суягининг лотинча номидан келиб чиққан. Бунда эрта операция қилиш усули, яъни «Коуэн Крумен» операцияси қўлланилади.

Шунингдек, 12 ёшдан катта ўсмир ёшидаги болаларнинг яссиоёқлигини махсус имплантатлар ишлатиб, жарроҳлик йўли билан даволаш усулларини амалиётга татбиқ қилаяпмиз. Айни чоғда ушбу йўналишлардаги илмий изланишлар натижалари соҳа мутахассислари эътирофига сазовор бўлаётир.

Бундан ташқари, институтда компьютер подометрияси текширув усули ҳам амалиётга татбиқ қилинаяпти. Бунда оёқ панжаси гумбазининг ривожланиши махсус аппаратлар ёрдамида аниқ ташхисланади. Кейин уни даволаш жараёнида болаларга ортопедик стелька, яъни ортопедик патак тавсия қилинади. Ортопедик патак схемаси текширув жараёнида чизилади ва компьютерда тўғриланади. Сўнгра шу схемага қараб индивидуал рессорсимон патак ясалади ва доимий тарзда фойдаланиш тавсия этилади.

**— Яссиоёқлик бошқа касалликлар келиб чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкинми?**

— Албатта. Бола пойабзал кийиб юрган пайти панжаси оёқ кийимнинг ичида туради, ташқаридан кўринмайди, юрганда билинмайди, кўпчилик болалар ўзи англаб шикоят қилмайди. Ота-оналар ҳам етарли даражада эътибор бермайди. Лекин бу касаллик иккиламчи деформацияли асоратларни келтириб чиқаради. Мисол тариқасида, нормада оёқ таги гумбазсимон шаклга эга. У одам юрганида, қадам босганида тана вазни оғирлигини енгиллаштириб беради, яъни рессорсимон, янаям аниқроғи амортизация хусусиятига эга. Одам қадам қўйганда тизза бўғимига, сон чаноқ бўғими, умуртқага оғирликни юмшатиб беради. Агар бу гумбаз бўлмаса-ю, ясси бўлса, одам қадам қўйганда тана оғирлиги оёқ панжасига қаттиқ тушади. Натижада болдир, сон чаноқ, умуртқага оғирлик силтаниб тушавериб, вақт ўтиб иккиламчи деформациялар — қийшайиш, ён томонга қийшайиш, бўғимларда артроз, бўғимларнинг пай қисми зарарланишига, тизза бўғим, сон чаноқ бўғими, ҳатто умуртқада оғриқ пайдо бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, яссиоёқлик сурункали бош оғриғига ҳам сабаб бўлади. Бунда олдинига консерватив даволаниш усуллари ишлатилади. Яъни, физиотерапия муолажалари, парафин, электрофорез, массаж, махсус даволаш машқлари, махсус ортопедик патакли оёқ кийимлар тавсия қилинади.

**— Ҳиндистонлик олимлар икки ҳудуд аҳолисининг оёқ панжаси гумбазини текшириб кўришганда, доимий ялангоёқ юрадиган ҳудуд аҳолисида яссиоёқлик деярли учрамаган экан. Буни қандай изоҳлаш мумкин?**

— Суҳбатимиз аввалида айтиб ўтдик, яссиоёқлик туғма ёки ҳаёти давомида орттирилган бўлади. Туғма яссиоёқлик болаларнинг ўсиши, ривожланиш шароитига боғлиқ бўлмаган равишда юзага келади. Лекин ҳаёти давомида орттирилган яссиоёқликнинг ташқи муҳитга боғлиқ томонлари жуда кўп. Мана, шаҳар шароитида — уйда текис пол, кўчаларда текис бетон ёки асфальт йўллар ёки оёқ кийимларининг кўпи ясси бўлиши болаларда оёқ панжасининг ривожланишига етарли шароит ярата олмайди. Гумбаз яратилиши учун табиий шароит бўлиши мақсадга мувофиқ. Яъни, болалар юрадиган жой ғадир-будир, боғчаларда қумли ҳудудлар бўлиши жоиз. Шунинг учун биз тарбиячиларга имконияти бўлса болалар қум ва тупроқли жойларда ялангоёқ юрсин деб тавсия берамиз. Агарда имконият бўлмаса, юзаси ғадир-будур махсус сунъий йўлакчалар ташкил этиш орқали муаммони ҳал қилиш мумкин.

***

**Назаримизда, мутахассислар берган тушунча, тавсия ва маълумотлардан кейин ҳам яна бир савол жавобсиз қолаётгандай туюлди.**

**— Болалар ўсиши даврида оёқ кийимига етарли эътибор бермаслик ёки нотўғри танланиши ҳам иккиламчи яссиоёқлик ривожланишини келтириб чиқариши мумкинми? Бундай ҳолатнинг олдини олиш борасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилаяпти?**

— Ўлчами 24 см.гача бўлган болалар пойабзалининг таг қисми — патаги ЎзР ТИФ ТН (ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси) кодларининг уйғунлашган тизимида берилган изоҳларга мувофиқ махсус кодларга эга бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сонли қарорининг 2-иловасига асосан "Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига олиб кириладиган мажбурий равишда сертификацияланадиган маҳсулотлар рўйхати"га киради, — дейди **"Ўзстандарт" агентлигининг енгил саноат маҳсулотларини сертификатлаш бўлими бошлиғи Дилфуза Абдуллаева.** — Лекин, ортопедик пойабзаллар ортопедик шартларни коррекциялаш, махсус олинган ўлчам бўйича бир жуфт эмас, битта оёққа мосланган, яъни чап ёки ўнг оёққа мўлжалланган ҳолатларда, ҳар бир одам учун индивидуал бўлгани боис махсус кодга эга бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сонли қарори 2-иловасига асосан "Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига олиб кириладиган мажбурий равишда сертификацияланадиган маҳсулотлар рўйхати"га кирмайди.

Бугунги кунда яссиоёқлик касаллиги кенг тарқалганини ҳисобга олиб ва ишлаб чиқарувчиларга қулайлик яратиш мақсадида ортопедик пойабзалларга умумий фойдаланиш учун халқаро стандарт талаблари билан уйғунлашган давлат стандарти (O'zDSt) ишлаб чиқиш долзарб вазифалар сирасига киради. Ҳозир "Ўзстандарт" агентлигининг меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш ва давлат фондини юритиш бўлимида 4та корхона томонидан ишлаб чиқилган ва фақат шу корхоналарнинг ўзигина ишлатиши мумкин бўлган норматив ҳужжатлар, яъни техникавий шартларга амал қилинаяпти.

Меъёрий болалар оёқ кийимлари мувофиқлигини текшириш учун умумий фойдаланишга ГОСТ 26165-2005 "Болалар пойабзаллари" умумий техник шартлари ва ГОСТ 1135-2005 "Йўл ва уй пойабзаллари" умумий техник шартлари меъёрий ҳужжатлари мавжуд. Бу меъёрий ҳужжатлар тоза чармдан, синтетик чарм, текстил матолардан ва уларнинг комбинациясидан қилинган болалар пойабзалларига тааллуқли.

**— Ҳар бир инсон ўзининг индивидуал оёқ шаклига эга. Агар пойабзал болалар учун оёқ ўлчами ва шакли бўйича тўғри танланса, бола ўсиши давомида оёқ тўғри шаклланади. Мутахассислар ёш гўдакларга бир ёшгача пойабзал кийдирмасликни маслаҳат берадилар. Агар оёқ кийими пошнасининг ташқари қисми аввалроқ едирилса, демак, унда яссиоёқлик йўқ, агар пошнанинг ички томони аввалроқ едирилса, демак, унда яссиоёқлик мавжуд, дейишади. Шу ўринда сифатли оёқ кийими қандай бўлиши керак, деган савол туғилади?**

— Албатта, боланинг оёғи тўғри шаклланишида пойабзалнинг сифати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Болалар пойабзали шакли бўйича товон қисми қаттиқ бўлиши, пойабзалнинг гумбаз қисми оёқнинг ботиқ қисмига мос келиши, таг қисми эса эгилувчан бўлиши ва кичкина 0,5 см қалинликдаги пошнаси бўлиши муҳимдир. Бундан ташқари, пойабзалнинг табиий чармдан тайёрланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тўғри танланган сифатли пойабзал яссиоёқликнинг олдини олишда ва даволашда асосий омил бўлади.

Соғлом бола тарбиясида майда масаланинг ўзи йўқ. Болаларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний бенуқсон улғайиши бугунги ҳаракатларимизга боғлиқ. Бу болага эътибор — келажакка эътибор, деган ҳамдир.

**Дилфуза ТОШКЕНБОЕВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

2014-yil 11-oktabr, № 82 (8731)

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИСИ

## малака оширишда нималарни ўрганади?

**Фарғона шаҳрида синфдошим Акбарни учратиб қолдим. Ўзимиз ўқиган мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлаётган синфдошим билан сўрашгач, бу ерда нима қилиб юргани билан қизиқдим. Унинг малака ошираётганини эшитиб жараён билан танишиш мақсадида биргаликда вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига бордим. Йўл-йўлакай Акбар билан янгиликлар, ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашиб кетдик.**

— Бундан уч йил аввал ҳам малака ошириб кетган эдим, — дейди суҳбатдошим. — Бугун Фарғона шаҳри ҳам, малака ошириш курси ҳам жуда ўзгариб кетибди. Айниқса, инглиз тилидан дарс ўтилаётгани биз учун янгилик бўлди. Шунингдек, педагогика назарияси, психология фанлари ҳам жуда қизиқарли ўтилмоқда. Бугунги кун болаларининг имконияти анча кенг. Улар жисмонан кучли бўлиш билан бирга, руҳан соғлом улғайиши муҳим. Жисмоний тарбия ўқитувчиси болага билим берибгина қолмай, уни ҳақиқий маънода юрт корига ярайдиган ватанпарвар, миллий ғояга содиқ инсон қилиб тарбиялаши лозим. Малака ошириш курсларида АКТ воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда бу каби тушунчаларни болалар онгига самарали сингдириш усуллари ҳам тушунтирилмоқда. Бу, биз жисмоний тарбия ўқитувчилари учун жуда муҳим.

Институт ўқув биносига кириб бордик. «Жисмоний тарбия, санъат ва меҳнат таълими» кафедраси хоналарига кирдим, кенг ва ёруғ. Синфдошим йўл-йўлакай шароитлар ҳақида айтганича бор экан.

— Сентябрь ойида вилоятда 46 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси малака ошириб қайтди, — дейди курс раҳбари Абдуманноб Ўринов. — Малака ошириш тизимида 2012 йилдан янги педагогик ҳамда ахборот технологиялари ёрдамида дарс ўтиш жорий этилган. Ҳозир барча машғулотлар видеопроектор, слайд каби техник воситалар ёрдамида олиб борилмоқда. Шунингдек, ўқитувчиларнинг хорижий тилларга қизиқишини инобатга олган ҳолда инглиз тили дарслари ҳам интерфаол усулларда ўқитилаяпти. Малака оширувчилар учун 144 соатлик дарс юкламаси бўлиб, 24 кунлик курсга тақсимлаб чиқилган. Курс тингловчилари 74 соат мутахассислик фанларидан маълумот ва янги билим оладилар. Қолган соатлар умумкасбий ҳамда ижтимоий фанларни қамраб олади. Кўпчилик жисмоний тарбия ўқитувчиси болаларни тўп тептирса ёки югуртирса бўлди, дарсини ўтиб чиқаверади, деб ўйлайди. Бу нотўғри фикр эканини малака ошириш курси давомида исботлашга ҳаракат қиламиз. Курс тингловчилари учун ўқишнинг биринчи куниёқ эътибордан четда қолдирган жиҳатлар хусусида суҳбатлашамиз. Дарс ишланмаларининг қай тартибда тайёрланиши бўйича тавсиялар берилади. Бугунги кун ўқувчиси учун ҳар бир дарс янги бир олам бўлиши керак. Шу боис ўқитувчи ҳатто мавзуни ўтиш чоғида спорт залига катта монитор ёки видеопроектор олиб кириб, назарий билимларни ўқувчиларга намойиш этиб бериши лозим.

Бугунги жисмоний тарбия ўқитувчиси компьютер, аудио-видео аппаратлари ёрдамида дарс ўтиши муҳим аҳамият касб этиши тушунтирилади. Шунингдек, малака оширган тингловчига 2014 — 2018 йилгача бўлган истиқбол режасини тайёрлаш вазифасини топширамиз. Истиқбол режасида келгусида жисмоний тарбия дарсларини қандай ўтмоқчи эканини, қандай тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиши, “Умид ниҳоллари” мусобақаларида спортнинг қайси туридан мактаб жамоасини туман, вилоят, республика миқёсига олиб чиқиш имконияти борлиги қайд этилиши лозим.

— Курс давомида Фарғона шаҳридаги 13-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари фаолияти билан танишдик, — деди Учкўприк туманидаги 9-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Акбар Ўринов. — Ўқувчиларнинг ютуқларини кўриб ҳавасим келди. Малака оширишдан сўнг ўзим раҳбарлик қилаётган футбол тўгарагини янада жонлантириб, болалар билан кўпроқ шуғулланиб истеъдодини чархлашни дилимга тугдим.

— Мактабимизда беш юз нафар ўқувчи таълим олади, — деди яна бир тингловчи, Сўх туманидаги 21-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Маҳмуджон Аббосов. — 27 йилдан буён ўқувчиларга жисмоний тарбия сир-асрорларини ўргатиб келаман. Ҳар гал малака оширишга келганимда тизимдаги ислоҳотларни бир-бири билан солиштираман. Тўғрисини айтиш керак, бундан йигирма йиллар аввал малака ошириш жараёни ўқитувчига ҳеч нарса бермас, янги педагогик технология, замонавий АКТ деган иборалар ишлатилмас эди. Бугун эса ҳар бир жисмоний тарбия ўқитувчиси фанига алоҳида эътибор қаратиб, янгича услубда сабоқ бериш замон талаби эканини англаб етмоқда.

— Мактабимиз туманнинг чекка ҳудудида жойлашган, — деди яна бир суҳбатдошим, Бувайда туманидаги 39-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Мамлакат Кавлонова. — 2005 йилдан буён жисмоний тарбиядан дарс бериб келаяпман. Шу давр ичида иккинчи бор малака ошираяпман. Малака ошириш давомида қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш бўйича янги билим ва тажрибаларга эга бўлдим. 25 нафар қизга стол теннисидан тўгарак машғулотларини ўтаман. Душанба, чоршанба кунлари қизлар тўгаракда назарий ва амалий жиҳатларни ўзлаштиришади. Бу ерда ўрганган билимларим асосида тўгарак иш режаси, машғулот ишланмасини янги педагогик технологиялар асосида бойитаман. Асосий мақсадим, “Умид ниҳоллари” мусобақаларида мактаб, туман, вилоят шарафини ҳимоя қиладиган қизларни тарбиялаб, улкан ютуқ ва марраларни эгаллаш.

Фарғона вилоят ПККТМОИда бўлиб, жараёндаги янгиликлар билан яқиндан танишиб шунга амин бўлдимки, малака ошираётган тингловчиларга яратилган шароитлар, уларга замон талаби асосида билим берилаётгани келгусида ўқитувчиларнинг дарсларида ўз аксини топиши, самарадорликни ошириб, ўқувчиларда жисмоний тарбия фанига қизиқишни янада жонлантириши шубҳасиз.

**Шарифа МАДРАҲИМОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# ЁШЛАРИМИЗ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ



**Футбол бўйича Мьянмада шу йилнинг 9—23 октябрь кунлари (U-19) ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Осиё футбол конфедерацияси томонидан ўтказилаётган мазкур мусобақада ғолиблик учун курашадиган 16 терма жамоа сафида ҳамюртларимиз ҳам бор.**

Шуни айтиш жоизки, ёш футболчиларимиз ушбу турнирга етиб келгунгача уч нафар мураббий сабоқларини олди. Дастлаб Алексей Евстафеев билан шу йилнинг февраль ойида, кейин Сергей Лушан бошчилигида июнь ойида машғулотлар ўтказилди. Айни пайтда, қитъа биринчилигида терма жамоамиз яна бир тажрибали мутахассис Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигида майдонга чиқмоқда.

Р.Ҳайдаров ёш шогирдлари билан қисқа вақт ичида бир қатор учрашувлар ўтказишга ҳам улгурди. Ана шу баҳсларда футболчиларнинг имкониятини ўрганди, маҳорати ва кўникмасини синовдан ўтказди. Хабарингиз бор, ўтган йили Қатарда кечган саралаш мусобақасида ёшларимиз Непал, Ҳиндистон, Туркманистон ва мезбонлар билан бир гуруҳдан жой олиб, саралаш босқичида муносиб иштирок этганди. Футболчиларимиз рақиблар дарвозасини 10 марта ишғол этиб, 2 марта гол ўтказиб юборишди ва гуруҳда иккинчи ўринни банд қилган ҳолда, қитъа чемпионати йўлланмасига эга бўлди.

Энг муҳими, мавжуд шароитлардан унумли фойдаланиб, аста-секин катта спортга кириб келаётган ёшларимиз орасида иқтидор соҳиблари ҳам кашф этилмоқда. Хусусан, дарвозабон Ботирали Эргашев, ярим ҳимоячи Бобур Давлатов, ҳужумчилар Андрей Сидоров, Элдор Шомуродов, Забиҳилло Ўринбоев сингари ёш футболчиларимизнинг хатти-ҳаракатлари мухлисларга қувонч бағишлади.

Ўтган вақт давомида жамоа мураббийлари ёшлар терма жамоасини янада кучайтириш устида кўп изландилар. Айниқса, жамоага энг зўр ёш футболчиларни жалб этиш бўйича шуғулланадиган етакчи мутахассислар бу борада анча тер тўкишди. Буни Мьянмага борадиган якуний таркибга ўтган йили саралаш мусобақасида қатнашган таркибдан бор-йўғи 10 нафар ўсмиргина киритилганидан ҳам билиш мумкин.

Қарийб бир йил мобайнида ўтказилган ўртоқлик учрашувларида янги номлар пайдо бўлди. Қувонарлиси, ўсмирлар терма жамоаси сафида 2012 йили Осиё чемпиони бўлиб, жаҳон чемпионатида қатнашган умидли ёшларимиздан бир гуруҳи Равшан Ҳайдаров жамоасига жалб этилди. Ёш спортчиларимиз илк назорат ўйинларини Туркияда Россия ва Латвия ёшларига қарши ўтказган бўлса, сўнгра бирин-кетин Арманистон, Венгрия, Албания, Таиланд ёшлар терма жамоаси билан куч синашди. Шунингдек, хорижий ва маҳаллий клубларга қарши ўртоқлик учрашувлари ҳам ташкил этилди. Мазкур қарама-қаршиликларда футболчиларимиз жамоавий ўйин кўрсатиб, тўпни назорат қилиш ва ҳужумларни самарали якунлаш борасида янада кўпроқ амалий билим ҳамда кўникмаларга эга бўлди.

Айни пайтда ёшларимиз терма жамоаси Сарвар Каримов, Акром Комилов, Одил Ҳамробеков, Иброҳим Абдуллаев, Отабек Шукуров, Равшан Хурсанов, Рустам Ашурматов, Жавоҳир Сиддиқов, Жамшид Болтабоев, Бобур Давлатов, Аслиддин Абдиев сингари иқтидорли футболчилар ҳисобига янада кучайтирилди. Эслатиб ўтамиз, ушбу чемпионат якунида кучли тўртликка кирган терма жамоалар келаси йили Янги Зеландияда бўлиб ўтадиган мундиал йўлланмасини қўлга киритади. Ёшларимиз шу вақтгача 3 марта жаҳон чемпионати (2003, 2009, 2013 йиллар) ҳавосидан баҳраманд бўлишган.

Осиё чемпионатининг «В» гуруҳидан жой олган ёшларимиз кеча индонезиялик тенгқурларига қарши илк ўйинни ўтказди. Терма жамоамизнинг яққол устунлигида ўтган матчда 3:1 ҳисоби қайд этилди ва ёшларимиз мусобақани ғалаба билан бошлади. Дарвоқе, мазкур гуруҳ вакиллари — Австралия ва Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоаси ҳам кеча ўзаро куч синашиб, 1:1 ҳисобида дуранг имзо чекишди.

**Зоҳиджон ХОЛОВ**




# ҲУНАР ЎРГАТАЁТГАН УСТОЗЛАР



Ҳунарли киши хор бўлмас, дейдилар. Ҳақиқатан ҳам, ўқиб, билим олиш ўқувчининг бурчи бўлса, бирор ҳунарни пухта эгаллаш бугунги кун талаби. Бу борада Шайхонтоҳур туманидаги 102-мактабда ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1530 нафар ўқувчи таълим олаётган ушбу билим масканида дарсдан ташқари "Моҳир қўллар", "Мунчоқ тикиш", "Тикишбичиш", "Зардўзлик" ҳамда 14 та фан тўгараги фаолият кўрсатаяпти. Бу ерда 82 нафар ўқитувчи тўгарак машғулотларида ҳам ўз шогирдларига билим ва ҳунар ўргатишдан чарчамайди.

— Мактабимизда ўқувчиларнинг қизиқишидан келиб чиқиб турли тўгараклар ташкил этилгани ота-оналарга ҳам маъқул, — дейди муассаса раҳбари Раъно Мирзажонова. — Касб сирларининг нозик жиҳатларини ўргатаётган устозлар ёнида иштиёқу қизиқиш билан бир-биридан ажойиб мунчоқли гуллар, антиқа буюмлар-у гўзал кийимлар тикаётган ўқувчиларни кўриб, қувонмай бўладими?..

Эртамиз бугундан гўзалроқ бўлиши фарзандларимиз эгаллаётган билим ва ҳунарга боғлиқ. Шундай экан, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётган ушбу меҳнаткаш жамоа келгусида улкан ютуқларга эришиши, шубҳасиз.

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**
**олган суратлар.**



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:
*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.*

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-1024. Tiraji 39275.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.*

*Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Jo'rabek JANGIROV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 02.10 Topshirildi — 02.35 1 3 4 5